

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ
СИЁСАТШУНОСЛИК ФАКУЛЬТЕТИ
ЖАҲОН СИЁСАТИ КАФЕДРАСИ

Қўлёзма ҳуқуқида

Ахунжанова Нилуфар Собировна

**ҒАРБИЙ ЕВРОПАДА СЕКУЛЯРИЗМ СИЁСАТИНИНГ
ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ҚУРИЛИШИДАГИ
АҲАМИЯТИ
(ГЕРМАНИЯ РЕСПУБЛИКАСИ МИСОЛИДА)**

БИТИРУВ – МАЛАКАВИЙ ИШИ

5310100 – СИЁСАТШУНОСЛИК

Илмий раҳбар: Битўраев Ў.Б.

Илмий маслаҳатчи: фалс.ф.д., проф.

Қодиров А.Қ

Тошкент-2011

МУНДАРИЖА

KIRISH.....

1-BOV. ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ҚУРИЛИШИДА СЕКУЛЯРИЗМ СИЁСАТИ ШАКЛЛАНИШИНING НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.....

1.1. Секуляризм сиёсатининг моҳияти ва унга доир назарий қарашлар.....

1.2. Европада секуляризм ривожланишининг сиёсий ва тарихий илдизлари.....

2-BOV. ГЕРМАНИЯДА СЕКУЛЯРИЗМ СИЁСАТИНИНГ ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ҚУРИЛИШИДАГИ АҲАМИЯТИ.....

2.1. Германия секуляризм сиёсатининг шаклланиши.....

2.2. Германияда жамоат ташкилотлари фаолиятининг ўзига хос жиҳатлари.....

2.3. Германиянинг диний фундаментализмга қарши кураш сиёсати.....

XULOSA.....

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO‘YXATI.....

ILOVA.....

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Бугунги глобаллашув шароитида дин ва давлат ўртасидаги муносабатлар миллий давлатчиликни қуришда долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Шубҳасиз, дунёвий давлат ва дин ўртасидаги ўзаро муносабатлар миллий давлатчиликни шакллантиришнинг муҳим таркибий қисмларидан ҳисобланади. Таъкидлаш жоизки, жамият ва оддий фуқаролар ҳаётида, ҳар қандай давлат ичидаги ва халқаро майдондаги сиёсий жараёнларда, диний дунёқарашнинг ўзгаришини, уни сиёсийлашувини ўз ичига олган халқаро муносабатлар тизимида диннинг ўрни ва аҳамиятини тадбиқ этиш ҳозирги куннинг энг муҳим муаммоларидан бирига айланган.

Зеро, Президентимиз И.Каримов эътироф этганларидек, бугун биз юртимизда халқимиз хоҳиш-иродасининг ифодаси бўлган Конституция ва қонунлар асосида демократик, дунёвий давлат барпо этмоқдамиз. Бу давлат авваламбор дунёвий тараққиётга, унинг энг илғор ютуқ ва натижаларига таянади. Айни пайтда шуни ҳам унутмаслик керакки, дунёвийлик - бу даҳрийлик дегани эмас. Дин ва диний эътиқод бутунлай рад этиладиган ҳаёт қандай ғайриинсоний кўринишга эга эканини биз кечаги тарихимиз мисолида яхши биламиз. Бундай мафкуранинг хатарли томони шундаки, у неча асрлар давомида дин негизида шаклланган, халқ ҳаётининг ажралмас қисмига айланиб кетган қадриятлар - бу ёзма ёки оғзаки, моддий ёки маънавий мерос бўладими, ахлоқ ёки анъаналар бўладими, миллий дунёқараш ёки турмуш тарзи бўладими - буларнинг барчасини рад этади. Натижада одамзот ўзининг ички дунёси, ҳис-туйғу ва қарашлари, таяниб-суяниб турадиган пойдеворидан маҳрум бўлиб, “шўро дохийлари” айтганидек, улкан давлат машинасининг “винтчаси”га айланади. Охир-оқибатда бундай одам ота-онасини ҳам, ўз миллати, халқи ва Ватанини ҳам танимайдиган аянчли ҳолатга тушиб қолади. ...Шу маънода, биз муқаддас динимиз арконлари ва қадриятларини доимо улуғлаб, шу билан бирга, дунёвий ҳаётга ҳам қатъий

ишонч билан интилиб яшаган тақдирдагина ўз эзгу мақсадларимизга ета оламиз¹.

Мамлакатимизда шакллантирилаётган дунёвий, демократик давлат, унинг мустақиллиги ва келажаги кўп жиҳатдан давлат ва дин муносабатларининг такомиллашув даражасига боғлиқ. Зеро, кўп миллатли ва кўп конфессияли давлат шароитида давлат ва дин муносабатларининг мувозанатини сақлаб турувчи сиёсат, яъни секуляр сиёсат доимо ҳаётий аҳамият касб этади². Шу сабали ҳам секуляр сиёсат Ўзбекистон халқи танлаб олган тараққиёт йили – дунёвий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини яратиш сиёсатининг ажралмас қисмидир³.

Шу нуқтаи-назардан олиб қараганда мавзунинг долзарблиги куйидагиларда ўзининг аксини топган:

Биринчидан, глобаллашув, замонавий сиёсий жараёнлар ва халқаро муносабатлар ривожланиш шароитида давлат ва дин ўртасида муносабатлар долзарб аҳамият касб этиб бормоқда;

Иккинчидан, бугунги глобаллашув шароитида диннинг халқаро ва мамлакат ички жараёнларига таъсирининг усиб бораётганлиги ҳамда дунёда қарама-қарши “секуляризм” ва “десекуляризм” тенденциялари кучайиб бормоқда;

Учинчидан, айрим гуруҳлар томонидан динни ниқоб қилиб олиб давлат ва жамият ишларига аралашуви;

Тўртинчидан, нафақат Ғарбий Еуропада, балки бутун дунёда диннинг сиёсийлашув жараёнларининг тезлашиб бораётганлиги;

Бешинчидан, Еуропада айниқса, Германия Федератив Республикасида мусулмон аҳолисининг кўпайиб бораётганли ҳамда ислом дини мавқеининг ошиб бораётганли;

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – Б.93-96.

² Дадабаева М. Секуляр сиёсат изчиллигини таъминлаш – диний экстремизмнинг олдини олиш омили.//Шарқшунослик. –2007. -№.6. - Б. 100.

³ Ўша ерда. - Б. 102.

Олтинчидан, терроризм, экстремизм ва диний фундаментализмнинг халқаро ҳамжамиятга, давлатлар ва миллатлар ўртасидаги муносабатларга хавфининг кенгайиб бориши.

Бугунги кунда диний эркинлик секуляризм жараёнининг энг муҳим тамойилларидан ҳисобланиди. Шунингдек, бу нарса ҳар қандай демократик давлатнинг ўзига хос хусусиятдир. Фукаролар бошқаларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини оёқ ости қилмаган ҳолда ўзларининг диний нуқтаи назарларини сақлаб қола оладилар¹. Дарҳақиқат, “секуляризм” атамаси моҳиятига эътибор қаратадиган бўлсак ҳам, секуляризм – давлат ва жамиятни ҳар қандай турдаги диндан ва диний эътиқодлардан мустақил равишда фаолият юритиши лозим бўлган концепция ҳисобланади. Диннинг дунёвий ҳаёт тарзига мослашуви жараёнини ҳамда дин ва сиёсат ўртасидаги муносабатларнинг ўзига хос хусусиятларини белгилаш учун илмий адабиётларда “секуляризация” (“secular” лотинча сўз бўлиб “дунёвий” маъносини англади) атамаси кенг қўлланилиб келинмоқда².

Маълумки, секуляризм ибораси XVI асрда руй берган Европадаги реформация (XVI - асрда Ғарбий Европада католик черковига ва папа ҳокимиятига қарши олиб борилган диний шаклдаги ижтимоий-сиёсий ҳаракат) жараёнларга бориб тақалади. Шунинг учун Европада секуляризм сиёсатининг шаклланиши асосан ўрта асрлар даврига тўғри келади. Демак, секуляризация ва дунёвийлик капиталистик ҳамда кучли давлатларнинг вужудга келиши билан Ғарбий Европада пайдо бўла бошланди. Шунингдек, христианлик ўзининг энг юқори чўққисига етган Ўрта асрлар даврида сиёсийлашув босқичини босиб ўтди.

Қисқача қилиб айтганда, замонавий секуляризация жараёни глобаллашувнинг воситасига айланмоқда дейишга тўлиқ асосларимиз бор. Бугунги кунда жаҳонда содир бўлаётган воқеалар секуляризмнинг сиёсий жараёнлар билан узвий боғланиб кетаётганлигини кўрсатмоқда.

¹ Abdurazzakova, M.A. Secularization: issues of mutual relations of politics and religion. //Халқаро муносабатлар, ЖИДУ. –2004. -№4. - P.74.

² Абдураззокова М.А. Лаицизм и политика секуляризма в Турции.// Халқаро муносабатлар. Т.: ЖИДУ. №1 2003. – С. 83.

Маълумки, Германия Федератив Республикаси ҳам қатор Европа давлатлари сингари дунёвий яъни федератив парламент республикаси ҳисобланади. Шу сабабли ҳам мамлакат сиёсий тизимида дин муҳим аҳамият касб этади.

Ҳозирда Германияда Протестантлар 34 фоизни, Рим католиклари 34 фоизни, мусулмонлар 3,7 фоизни ва бошқа дин вакиллари 28,3 фозни ташкил этади¹. Ҳозирги кунда мамлакатда 82,5 млн аҳоли сонини қуйидаги дин вакиллари ташкил этади: 26 млн протестантлар; 26 млн католиклар; 3.2 млн мусулмонлар; 1 млн православлар; 0.2 млн яҳудийлар; 0.15 млн буддийлар; 0.1 млн индуистлар; 0.5-0.85 млн бошқа диний жамоа вакиллари.² Ушбу рақамларда кўриниб турибдики, католиклар ва протестантлар Германия аҳолисининг учдан икки қисмини ташкил этади.

Европа Иттифоқи давлатлари ичида ислом дини бошқаларига қараганда Германияда устун мавқега эга. Масалан, ҳозирда ГФРда 4 млнга яқин мусулмонлар яшайди. Иккинчи жаҳон урушигача, ўша пайтдаги нацистлар давлатида масжидлар сони ўндан ошмасди, ҳозир эса улар 2 мингдан ортиқ Германиянинг ҳар битта катта шаҳрида ҳеч бўлмаганда кичик мусулмонлар жамоалари мавжуд. Тарихан мусулмонларнинг кўп сонли жамоалари мамлакатнинг ғарбий қисмида кўпроқ шаклланган, бу ерда бутун бир мусулмон туманлари юзага келган³. Бундан шу нарса аён бўладики, ислом дининг халқаро майдондаги аҳамияти ошиб бормоқда. Бунинг исботи сифатида Германия Президенти “христианлик шубҳасиз, Германиянинг бир қисми ҳисобланди. Иудаизм, ҳам шубҳасиз, Германиянинг бир қисми ҳисобланди. Бу бизнинг христиан-иудаизм тарихимиз ҳисобланди. Бироқ, энди ислом ҳам Германиянинг бир қисми ҳисобланади” деб таъкидлаб ўтган эди⁴.

¹ Federal Republic of Germany.//<http://www.state.gov/r/pa/ei/bgn/3997.htm>

² Новиков А.А. Германия в современной Европе / Учебное пособие. ДА МИД РФ. – М.: Научная книга, 2005. – С. 10.

³ Ўша ерда – Б. 198.

⁴ Президент Германии считает ислам частью страны, как и другие религии.// <http://www.rian.ru/world/20101003/281836717.html>

Бугунги кунда Германияда динлар ва дунёвий давлат ўртасида энг мақбул муносабатлар ўрнатилганини кўриш мумкин. Германияда давлат ва дин муносабатларини ўзаро тартибга солиб турувчи секуляр сиёсат мустақил конунчилик базасига таянади. Бу биринчи навбатда, Германия Федератив Республикасининг 1949 йил 23 майда қабул қилинган Асосий Қонуннинг фуқароларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликларига бағишланган 1 бобнинг 4 моддасида (1) “дин, виждон эркинлиги ва диний эътиқодлар эркинлиги дахлсиздир” деб ёзиб қўйилган¹. Бундан ташқари, Германиянинг бир қатор диний ва виждон эркинлиги тўғрисидаги федерал қонунларда диний эркинлик каби қоидалар мустаҳкамлаб қўйилган.

Бундан ташқари, Германияда дин омилнинг яна бир хусусиятларидан бир у ерда ислом дининг кенг ёйилиб кетаётганлиги ҳисобланди. Масалан, Бугунги глобаллашув даврида Германия сиёсий ҳаётида ислом дининг ўрни алоҳида аҳамият касб этади. Расмий статистик маълумотларга кўра, Еуропада ислом дини тарафдорларининг сони охириги 100 йилда 13 фоиздан 19,5 фоизгача кўпайган. Шу сабаб ўтган асрни ернинг бу қитъасида ислом ва мусулмонлар асри деб аташ мумкин эди².

Умуман олганда, диннинг ижтимоий жараёнлардаги ўрни ва мавқеини тан олган ҳолда айтиш мумкинки, диний дунёқараш инсон тафаккурининг, унинг атроф борлиқ ва бошқа одамларга муносабатининг ягона шакли эмас. У билан ёнма-ён дунёвий тафаккур ривожидан тортиб, халқ яшаш тарзи ва дунё қарашида ўз ифодасини топган³.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда, замонавий халқаро муносабатлар тизимида диннинг ҳамда Ғарб давлатлари сиёсий ҳаётида черковнинг роли илмий асосда ўрганиш объектив заруриятдир. Битирув-малакавий иш жаҳон сиёсатида рўй бераётган жараёнларга таянган ҳолда ГФРнинг олиб бораётган секуляризм сиёсатини ўрганишни, унинг халқаро

¹ Grundgesetz für die Bundesrepublik Deutschland (23.05.1949). Article 4 (4-7).// <http://www.gesetze-im-internet.de/bundesrecht/gg/gesamt.pdf>

² Ёвқочев Ш.А. Ислам ва ҳозирги замон. Ўқув қўлланма. – Т.: Тошкент ислом университети нашриёт-манбаа бирлашмаси. – Б. 197.

³ Саидов У. Глобаллашув ва маданиятлараро мулоқот. – Т.: Akademiya. – Б. 118-119

майдонда терроризм, экстремизм ва диний фундаментализмга қарши кураш сиёсати ва бу соҳада халқаро ташкилотлар ўзаро таҳлил қилиш ва очиқ беришни назарда тутди.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Мамлакатимизда давлат ва дин ўртасидаги муносабатлар, фуқароларнинг диний ва виждон эркинликлари, диннинг жамият ҳаётидаги ўрни, дунёвий давлат шароитида диннинг роли ҳамда жамоат ташкилотлари, диний конфессияларнинг фаолияти билан боғлиқ билан боғлиқ муаммоларнинг илмий-назарий ва методологик жиҳатлари давлатимиз Президенти И.А.Каримовнинг бир қатор асарларида ва Олий Мажлисидаги маърузаларида баён этиб ўтилган¹.

Бугунги кун жаҳон сиёсатида секуляризм сиёсатининг шаклланиши, умуман олганда, глобаллашув жараёнида демократик ҳуқуқий давлатларда диннинг ўрни ҳамда диннинг сиёсийлашув жараёнлари билан боғлиқ масалалар А.Ш.Ёвқочев, М.А.Абдураззакова, М.Дадабаева, Р.М.Алимов, У.Б. Саидов, Д.Обидов ва бошқа ўзбекистонлик олимлар² ҳамда чет эллик Хантингтон С., Fukuyama F.,³ томонидан тадқиқ этилган.

Шу билан бирга, ҳар бир давлатда жумладан, Ғарбий Европада секуляризм сиёсатининг шаклланиши, давлат ва черков ўртасидаги ўзаро муносабатлар, ГФРдаги сиёсий жараёнларда диннинг тутган ўрни умуман черков ва давлат ўртаисдаги ҳамкорлик билан боғлиқ муаммолар қатор

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.-Т.: Ўзбекистон, 1997. - 326.б; Каримов И.А. Юсак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – 176 б; Каримов И.А Биздан озод ва обод ватан қолсин. Т.6. - Т.: Ўзбекистон, 1996., – 380.б; Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлиштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. – Т.15. – Т.: Ўзбекистон, 2005. – 320 б; Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. – Т.11 – Т.: Ўзбекистон, 2003. – 320 б; Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикасит Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлиси даги маъразуси. // Халқ сўзи, 2010 йил 13 ноябрь

² Ёвқочев Ш.А. Ислом ва ҳозирги замон. Ўқув қўлланма. – Т.: Тошкент ислом университети нашриёт-манбаа бирлашмаси. – 207 б; Абдураззакова М.А. Лаицизм и политика секуляризма в Турции.// Халқаро муносабатлар. Т.: ЖИДУ. №1 2003 . – С.83-90.; Дадабаева М. Секуляр сиёсат изчиллигини таъминлаш – диний экстремизмнинг олдини олиш омили.//Шарқшунослик, ТашДШИ. 2007, - №2. – Б.100-103; Ўзбекистан на пути к гражданскому обществу – Ўзбекистон: фуқаролик жамияти сари: конференция материаллари.// Отв.ред.: Р.Алимов. – Т.: Шарқ, 2003. – 304 б; Саидов У.Б. Глобаллашув ва маданиятлараро мулоқот. – Т.: Akademiya. – 332 б; Обидов Д. Диний бағрикенглик – мустақил Ўзбекистон сиёсатининг муҳим хусусиятлари.// Шарқшунослик, ТошДШИ. – 2002. - №2. – Б.73-81.

³ Хантингтон С., Столкновение Цивилизации. – М. 2003, - 603 с., Fukuyama F. The End of History and the Last Man. – N.Y.1992, - 334 с.,

хорижлик олимлар хусусан, Susanne Kolb, Petra Rosgen, Ванина Е., Погорельская С.В., Абрамов Д.Б., Новиков А.А., S. Amir Mirtaheri., Rajeev B., Graeme Smith., José Casanova кабиларнинг асарларида ўрганилган¹.

Бундан ташқари, дин омилининг цивилизацион аҳамияти, мамлакат ички сиёсатида диний, жамоат ташкилотларининг фаоллиги ва Германияда мазкур институтлар фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда бугунги кунда ГФРнинг терроризм, экстеримизм, диний фундаментализмга қарши кураш сиёсати ва Германиянинг халқаро ташкилотлар доирасида аксилтеррор операцияларда иштироки ҳар жиҳатдан очиқ берган бир қатор ўзбек олимлари² жумладан, С.А.Жўраев., Х.Т. Одилқориев., Д.Х.Раззоқова., М. Рахимова., Қирғизбоев М., ҳамда қатор хорижлик³ Павлова В.Н., Zdenek Kriz., Francis T. Miko, Christian Froehlich., John Esposito каби олимларнинг асарларини келтириб ўтишимиз мумкин.

Ишнинг предмети ва объекти.

Ишнинг мақсад ва вазифалари. Бугунги кунда секуляризм сиёсатининг давлат ва жамият қурилишидаги аҳамияти, дин ва давлат ўртасидаги ўзаро муносабатларни ҳамда Германия Федератив Республикасида

¹ Susanne Kolb, Petra Rosgen. The culture of European History in the 21st century. – Bonn. Haus der Geschichte der Bundesrepublik Deutschland. 1999. – 280 p., Ванина Е. Секуляризм и межконфессиональные отношения. // Азия и Африка сегодня. – 2006, №9. – С.72-76., Погорельская С.В. Мусульмане в Германии: Специфика интеграции // Актуальные проблемы Европы. 2008. №1. – С. 146-160., Абрамов Д.Б. Секуляризм, фундаментализм и толерантность в современной Индии. // Мировая экономика и международные отношения. 2007. № 5. С. 87–95., Новиков А.А. Германия в современной Европе / Учебное пособие. ДА МИД РФ. – М.: Научная книга, 2005. – 96 с., S. Amir Mirtaheri. European Muslims, secularism and the legacy of colonialism. // European Journal of Economic and Political Studies. 2010, №3. – P. 73-86., Rajeev B. Political Secularism. // Published in A Handbook of Political Theory, John Dryzek, B. Honnig and Anne Philips (ed.), Oxford University Press, Oxford, 2006. –P.636-655., Graeme Smith. A Short History of Secularism. - N.Y. I.B.Tauris, 2008. – 219 p., José Casanova. Religion, European secular identities, and European integration. - N.Y. Cornell University, 2006. – 132 p.

² Ўзбекистонда сиёсий ислохотлар жараёни. Муал. гуруҳи. С.А.Жўраев ва бош. – Т.: Akademiya, 2011. – 370 б., Одилқориев Х.Т., Раззоқова Д.Х. Сиёсатшунослик: Дарслик. –Т.Ўқитувчи, 2008. –Б.229., Рахимова М. нодавлат ташкилотлар: Ўзбекистонда ва хорижий давлатларда унинг ҳуқуқий жиҳатлари. // Ҳаёт ва қонун. – Т.: 2004. - №5. – Б. 20-23., Қирғизбоев М. Жамоат ташкилотларини молиялаштириш. Хорижий сиёсий партияларнинг манбалари. // Миллий тикланиш. 2002, №7-8. – Б.22-29.

³ Павлова В.Н. ФРГ: опыт и стратегия борьбы с международным терроризмом // Мировая экономика и международные отношения. - 2007. - №9. – С. 31-38., Zdenek Kriz. German Involvement in the War against International Terrorism. End of Civilian Power? // Central European Political Studies Review. Vol. VIII, Number 2-3, pp. 122-135., Francis T. Miko, Christian Froehlich. Germany's Role in Fighting Terrorism: Implications for U.S. Policy. // <http://www.fas.org/irp/crs/RL32710.pdf>., John Esposito. Islam and Secularism: Exploring the place of religion in secular society. // Arches Quarterly. – London. The cordoba foundation. 2008. Volume2. – P 2-50.

сиёсий жараёнларида дин омилининг аҳамиятини ўрганиш битирув малакавий ишнинг мақсади ҳисобланади.

Ушбу юқорида келтирилган мақсаддан келиб чиққан ҳолда бакалаврлик битирув малакавий иши ўз олдига қуйидаги вазифаларини қўяди:

- Секуляризм сиёсатининг шаклланиш ва ривожланишини назарий-методологик жиҳатдан таҳлил қилиш;
- Глобаллашув жараёнида диннинг сиёсийлашуви масалаларини кўриб чиқиш;
- Европада секуляризм ривожланишининг сиёсий ва тарихий илдизларини ўрганиб чиқиш;
- Германияда секуляризм сиёсатининг давлат ва жамият қурилишидаги аҳамиятини очиб бериш;
- Германия секуляризм сиёсатининг шаклланишининг ўзига хос томонларини кўриб чиқиш;
- Германияда жамоат ташкилотлари фаолиятининг ўзига хос жиҳатлари кўрсатиш;
- Германиянинг мамлакат ичида ҳамда халқаро майдондаги диний фундаментализмга қарши кураш сиёсатини таҳлил қилиш.

Ишнинг илмий-амалий аҳамияти. Ушбу битирув малакавий ишида, секуляризм сиёсатининг давлат ва жамият қурилишидаги роли, дин ва давлат ўртасидаги муносабатларнинг моҳияти ўрганиб чиқилди, шунингдек, бугунги кунда ГФРда секуляризм сиёсатининг шаклланиши, жамоат ташкилотлари фаолиятининг ўзига хос жиҳатлари ҳамда Германиянинг терроризм, экстремизм ва диний фундаментализмга қарши сиёсати таҳлил этиб чиқилди. Бундан ташқари, Ўзбекистон ва Германия диний сиёсати ҳамда халқаро терроризмга қарши кураши борасидаги сиёсати ҳам таққослаб чиқилди.

Бакалаврлик битирув малакавий ишининг структураси. Мазкур битирув малакавий иши кириш, икки боб, беш параграф, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва илова қисмларидан иборат.

1 - БОБ. ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ҚУРИЛИШИДА СЕКУЛЯРИЗМ СИЁСАТИНИНГ ШАКЛЛАНИШИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Секуляризмнинг сиёсий моҳияти ва унга доир назарий қарашлар

Бугунги кунда глобал хавфсизликка нисбатан дин ва диний омил билан боғлиқ — халқаро терроризм, экстремизм, айирмачилик сингари янги кўринишдаги таҳдидларнинг юзага келиши, авж олиши, уларнинг нафақат халқаро муносабатларга, балки давлатлардаги ички сиёсий жараёнларга таъсирини ўрганишни долзарб муаммолар сирасига киритиш мумкин. Замонавий давлат бошқарувида дин ва давлат ўртасидаги муносабатларининг аниқ йўналишини белгилаш, ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш, жамият ҳаётида диний бағрикенгликни таъминлаш ва ёшлар онгида соғлом диний эътиқодларни шакллантириш барқарор ва демократик давлат бошқарувининг асосий талабларига айланиб бормокда. Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, “Барчамизга яхши маълумки, дин азалдан инсон маънавиятининг таркибий қисми сифатида одамзотнинг юксак идеаллари, ҳақ ва ҳақиқат, инсоф ва адолат тўғрисидаги орзу-армонларини ўзида мужассам этган, уларни барқарор қоидалар шаклида мустаҳкамлаб келаётган ғоя ва қарашларнинг яхлит бир тизимидир”¹.

Инсониятнинг кўп минг йиллик тажрибаси давомида сиёсат ва дин ўртасида мураккаб, лекин барқарор алоқадорлик вужудга келган. Сиёсат ва дин ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг узоқ йиллик тарихи сиёсатнинг динийлашувига ёки аксинча, диннинг сиёсийлашув давлари кўп марта рўй берганлигидан дарак беради. Бундай жараёнларни муайян маънода, ҳозирги замонда, хусусан Марказий Осиё минтақасидаги давлатларда ҳам кўзга ташланмокда². Шу боис диннинг жамият ҳаётидаги ўрнини тўғри баҳолай олган ҳолда, уни жамият ҳаётидан бутунлай ажратиш ёки аксинча диний мутассибликни авж олдиришга имкон яратиб бериш салбий оқибатларга олиб

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият — енгилмас куч. — Т.: Маънавият, 2008. —Б.36.

² Одилқориев Х.Т., Раззоқова Д.Х. Сиёсатшунослик: Дарслик. —Т.Ўқитувчи, 2008. —Б.229.

келишини англаш зарур. Ўзбекистон Президенти эътироф этганидек, “Айни пайтда шуни ҳам унутмаслик керакки, дунёвийлик - бу даҳрийлик дегани эмас. Дин ва диний эътиқод бутунлай рад этиладиган ҳаёт қандай ғайриинсоний кўринишга эга эканини биз кечаги тарихимиз мисолида яхши биламиз. Бундай мафкуранинг хатарли томони шундаки, у неча асрлар давомида дин негизида шаклланган, халқ ҳаётининг ажралмас қисмига айланиб кетган қадриятлар - бу ёзма ёки оғзаки, моддий ёки маънавий мерос бўладими, ахлоқ ёки анъаналар бўладими, миллий дунёқараш ёки турмуш тарзи бўладими - буларнинг барчасини рад этади. Натижада одамзот ўзининг ички дунёси, ҳис-туйғу ва қарашлари, таяниб-суяниб турадиган пойдеворидан маҳрум бўлиб, «шўро доҳийлари» айтганидек, улкан давлат машинасининг «винтчаси»га айланади. Охир-оқибатда бундай одам ота-онасини ҳам, ўз миллати, халқи ва Ватанини ҳам танимайдиган аянчли ҳолатга тушиб қолади”¹.

Ҳозирги даврда сиёсатшунослик фани доирасида давлат ва жамият қурилишида секуляризм сиёсати моҳиятини очиб бериш, унга нисбатан замонавий ёндошувларни тадқиқ этиш давом этмоқда. Аввало, “секуляризм” атамаси моҳиятига эътибор қаратадиган бўлсак, секуляризм – давлат ва жамиятни ҳар қандай турдаги диндан ва диний эътиқодлардан мустақил равишда фаолият юритиши лозим бўлган концепция ҳисобланади.

Дунёвийлик ёки секуляризм диний муассасаларнинг давлатдан, жамиятдан айри туриши кераклигини уқтирувчи қараш ва оқимдир. Секуляризм тарафдорларининг фикрича, дин ва эътиқод кишиларнинг шахсий масаласи бўлмоғи лозим. Дунёвийлик нафақат давлатни дин таъсиридан, балки динни ҳам давлат сиёсати таъсиридан сақлайди. Эслатиб ўтиш лозимки, ҳозирги кунда ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларнинг кўпчилиги дунёвийдир. Жумладан, Ўзбекистонда ҳам дин ва давлат структуралари бир-биридан ажратилган.

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. –Б.93-94.

Шундай қилиб, секуляризм атамасини 1851 йилда биринчи бор инглиз ёзувчиси Жорж Холёк томонидан ишлатилган. Секуляризм тушунчасининг ҳуқуқий асосини 533 йилдаги Юстиниан кодексида кўришимиз мумкин. Ушбу кодексда секуляризм тушунчаси монахлар ва дунёвий ҳаёт ўртасидаги фарқларни англатган¹.

Секуляризм (лотинча *saecularis* - дунёвий) – социологияда жамият ҳаётида дин ролининг камайиш жараёни; жамиятда тартирга солиб турилаётган асосан диний қадриятларни диндан ҳоли ҳисобланган нормалар асосидаги ижтимоий тузумнинг дунёвий моделига ўтиш тушунилади².

Секуляризм илдизлари қадимги грек ва рим файласуфлари хусусан, Марк Аврелий ва Эпикур, ўрта аср мусулмон мутафаккир Ибн Рашд, маориф мутафаккирлари Дени Дидор, Вольтер, Жон Локк, Жеймс Мэдисон, Томас Жефферсон ва Томас Пейн ва шунингдек ҳозирги замон файласуфлари Бертран Рассел ва Роберт Ингерсолл ва бошқаларнинг асарлари ва уларнинг ғояларига бориб таққалади³.

Шу билан бирга, секуляризм биринчи бор XIX асрларда кўрина бошлаган ҳамда унга мувофиқ, диний тартиб – қоидаларга эмас, балки илмий билимларга асосланиши керак бўлган амалга оширса бўладиган ижтимоий ва сиёсий ҳамда жамият ҳаётини яхшилаш фаолиятини ўзида акс эттирган ижтимоий ҳаракат доктринаси ҳисобланади. Секуляризм тарафдорлари тез-тез черковни давлатдан ажратиш ғояси ва билан давлатга дунёвий ҳокимиятнинг барча ижтимоий ва сиёсий вазифаларини топшириш билан чиқишмоқда⁴.

Бугунги кунда “секуляризм” атамаси икки маънода фойдаланилмоқда. Кўфпинча секуляризм кўмагида аҳолининг динга берилиб кетишини,

¹ Секуляризация в Европе и её влияние на взаимоотношения между религией и государством на мусульманские страны ЦА.// <http://www.easttime.ru/reganalitic/1/134.html>

² Gil Anidjar. Secularism. The University of Chicago. 2006. – P. 64.

³ Қаранг. Secularism.// <http://dsmitry.ru/Secularism>; Casanova, Jose. 2001. “Religion, the New Millennium and Globalization.” *Sociology of Religion* 62:415-441. ёки Elizabeth Shakman Hurd. *Secularism and International Relations Theory*. – N. Y. 2009. Northwestern University. – P. 14.

⁴ Основы религиоведения: учебник./Под.ред И.Н. Яблокова. – М.: Высшая школа, 1998, - 1998, – С. 223-224.

одамларнинг ибодатхоналарга келишини ҳамда диний расм-русмларга кучли риоя қилишни камайтириш масалалари илгари сурилмоқда.

Бир томондан, секуляризм диний қонунлар ва институтлардан эркин ва давлат ва диний масалаларда бетараф бўлиши керак бўлган жамият томонидан диний мазҳабларга кириш мажбуриятлари йўқ бўлганин англатиши мумкин. Бошқа томондан, секуляризм диний аралашини туфайли олдиндан бирор фикрга бўлмаган, факт ва далилларга асосланган одамлар фаолияти, асосан, сиёсий фаолият тўғрисидаги концепцияни билдиради. Қадимги давр файласуфлар, хусусан, Эпикур ва Марк Аврелий, ўрта аср ислом мутафаккирлари (Ибн Рушд), маърифат даври файласуфлари (Дидро, Вольтер, Жефферсон ва бошқалар)нинг асарларида замонавий секуляризмни ўрганиш ва тадбиқ қилиш бошланди.

Бир қатор социологлар “секуляризм” атамасини бошқа маънода ишлатишмоқда. Яъни улар жамоавий ва давлат институтларининг диний тартибга солиб туришдан ушбу институтлар фаолияти ақл идрокка асосланган тизимга ўтказиш ғоясини олға суришяпти. Ушбу тушунчани бундай таърифлаш жараёнида алоҳида диндорликнинг ўсиб бориши секуляризмга зид эмас. Секуляризм вужудга келгандан буён ҳозирча дин ҳар бир инсоннинг эркин танлови бўлиб қолмоқда. Давлат органлари ўз қарорларини диний нормаларга таянган ҳолда асослаб бермаяпдилар. Мисол учун, Жанубий Корея ва Лотин Америкасида протестантизмнинг кенг тарқалиши билан боғлиқ диний қарашларнинг кучайиши ёки АҚШда христиан фундаментализмнинг кенгайиши секуляризмдан узоқлашаётган ҳисобланмайди.

Черковдан давлатни ажратиш секуляризмнинг муҳим элементларидан бири ҳисобланади. Шунинг учун ҳам эътироф этиб ўтиш лозимки секуляризмнинг тарқалиши билан расман диний ҳисобланган давлатлар сони камайиб борганлигини кўриш қийин эмас. 1900 йилдан 2000 йилгача диний давлат деярли 63та мамлакатда бекор қилинди ва ҳозирда бундай давлатларга 17 та мамлакат киради.

Тамойилида динни инкор этиб, секуляризм ҳаёт шароитларини яхшилаш ва жамиятдаги инсоннинг ижтимоий томондан қўллаб-қувватлаш ғоясини илгари суради. Секуляризм тушунчаси XIX аср ўрталарида пайдо бўлган. Секуляризмнинг энг машхур тарафдорларидан бири Ч.Бредлоу ҳисобланади.

Бугунги кунда секуляризм назарияси социологиянинг бир қисми ҳисобланади. Замонавий социологиянинг икки асосчиси Мах Вебер ва Эмиле Дюркхаемларнинг диний социологияга оид асарлари секуляризм назариясининг тизимили ҳолда шаклланишини учун асос бўлиб хизмат қилди¹.

Социолог Жозе Касанова диндан холи соҳаларни биринчи навбатда, давлатни, иқтисодиётни ва фанни дин таркибидан холос этиш ва вазифа жиҳатдан фарқлаш ва шунингдек дин ўзининг доирасида фаолият юритиши лозим деган фикрни илгари сурди ҳамда у ўша давр нуқтайи назаридан секуляризм назариясининг асосий тезисини ва унинг негизини аниқлаштириб берди². 1960 йиллардан бошлаб секуляризм назарияси тизимли ва тажрибавий йўллар билан қурилган назария сифатида эътироф этила бошланди, аммо 1980 йилларга келиб, жамиятда диннинг ўрни кучайганлиги тафайли ўшбу назария танқид остига олинди. Касанова ўшбу назариянинг асоси бир қанча ғоялар билан ҳимояланган деб ҳисоблайди, бироқ бир гуруҳ Америка социологлари хусусан, Петер Бергер “тарихчилар ва ижтимоий соҳа олимлари томонидан адабиётнинг тўлиқ танаси “секуляризм назарияси” сифатида кенг номланганлиги хато эканлигини” эътироф этишмоқда. Бундай баҳсларнинг қийин жиҳати секуляризм тушунчасини қўллаш билан бевосита боғлиқ. Касанова секуляризм назариясини очик бера оладиган учта далил келтиради: биринчидан, секуляризмнинг кенг тарқалган бугунги кўринишдаги шакл замонавий жамиятларда “диний ғоялар ва расм-русмларнинг қисқартирилиши”ни назарда тутати; иккинчидан, секуляризм

¹ Mark C. Modak-Truran. Beyond theocracy and secularism (part i): toward a new paradigm for law and religion.// http://www.allacademic.commetap21243_index.html

² Ўша жойда.

"замонавий лебирал демократик сиёсат учун ҳақиқатда, дастлабки шарт-шароит ва умумий замонавий тарихий жараён сифатида динни хусусийлаштириш..." сифатида тез-тез тушунилмоқда. Учунчидан, секуляризмнинг классик назариясининг ядровий таркиблари секуляризм диндан ҳоли соҳаларини (давлат, иқтисод, илм-фан) диний иснтитутлар ва нормалардан "озод этиш" сифатида тушунилишига олиб келишини тасдиқламоқда¹.

Секуляризмнинг сиёсий жиҳатига эътибор қаратадиган бўлсак, у диндан сиёсатнинг ажратилишини қўллаб-қувватлашини эътироф этиб ўтиш лозим. Шу боисдан таъкидлаб ўтиш жоизки, секуляризм назарияси ҳеч бўлмаганда секуляризм олдида турган учта саволга жавоб бериши керак: биринчидан, у дин ва сиёсатни бир-бирдан ажратиб қўя оладиши мумкинми? Иккинчидан, нима учун дин сиёсатдан ажратилиши лозим? Дин ва сиёсатнинг ажратилишини қандай изоҳлаш мумкин? Учунчидан, дин ва сиёсат ажратилгандан сўнг улар бир-бири билан қандай муносабатда бўлиши керак? Секуляризм назариясининг ҳуқуқий тузулиши ўшбу саволларга жавоб бериш асосида шуклланади ва уларни бирма-бир кўриб чиқсак. Биринчи саволга осон жавоб бериш мумкин. Ҳиндистонлик олим Ражеев Баҳаргаванинг фикрича, субконтинентал маданиятларда диний бўлмаган ташкилотлардан динийларини ажратиш қийин масала шу сабабли ҳам амалда ҳар бир диний ҳаракатларни диний бўлмаган ҳаракатларидан ажратиш мумкин эмас. Агар секуляризм диний ва диний бўлмаган ҳатти-ҳаракатларни умумий ажратишни назарда тутганда мисол учун, ҳеч бўлмаганда Ҳиндистонда бу сиёсий келажаги йўқ ғоя бўлган бўлар эди. Барча диний ва диний бўлмаган методларни ажратишнинг асоссиз ғояни қўллаб-қувватлагандан кўра, бунинг ўрнига бир қатор диний ва диний бўлмаган муассасаларнинг ажратилиши устида баҳс ютириш мумкин. Мисол учун, сайлов округининг талаби ҳар бир алоҳида диний эътиқод қилувчиларни

¹ Casanova, Jose. 2001. "Religion, the New Millennium and Globalization." *Sociology of Religion* 62:415-441. ёки Mark C. Modak-Truran. Beyond theocracy and secularism (part i): toward a new paradigm for law and religion.// http://www.allacademic.commetap21243_index.html

сиёсий ҳуқуқлардан маҳрум бўлишига сабаб бўлмайдиган диний асослар билан таснифланмаган¹. Кўриб чиқиладиган секуляризм диний ва диний бўлмаган институтларнинг ажратиш машкуллигини рад этмайди. Ўшбу фикрдан келиб чиқадики, секуляризм жамиятни тўлиқ дин ажратиш на мумкин на мақсадга мувофиқ деган нуқтайи назарига мос келади.

Диннинг сиёсатдан ажратилишини оқлайдиган бир қанча далилларни таклиф этиш мумкин. Биринчидан, ҳар бир давлат автономиясининг муҳимлигига эътибор қаратиш жоиз. Шу нуқтайи назардан қараганда диний ва сиёсий институтлар бир-биридан алоҳида-алоҳида фаолият юритиши шарт. Чунки бу иккила институт фуқароларни ўз орқасидан эргаштира олиш кучига эга муассасалар ҳисобланишади. Агар бу икки институт қўшилиб кетадиган бўлса, эҳтимол, улар мустақил ҳолатда фаолият юритиши ҳолатида бир-бирининг ишига аралашувидан ҳам кўпроқ давлатнинг автономиясини барбод қилиши мумкин. Иккинчидан, тенглик тамойилини келтириб ўтиш лозим. ҳеч қайси шахс бир институтнинг аъзоси туфайли бошқа институтнинг аъзоси бўлишини кафолатламаслиги лозим. Оқилона ва копмлекс тенглик тамойилига асосланадиган тизимни кафолатлаш учун дин ва сиёсатнинг алоҳида бўлиши талаб этилмоқда². Учунчидан, демократия бирор бир гуруҳда ёки институтда мажбурлов кўринишидаги куч бўлмаслигини талаб этмоқда. агар одамлар диний ишларда ҳукумат билан биргаликда сиёсий масалаларга таъсир ўтказишни бошласалар бундай вазиятда демократик қадриятларнинг бўзилиши муқаррар. Шунинг учун ҳам демократия туфайли диний ва сиёсий институтлари алоҳида бўлиши шарт. Икки институтнинг бир-бирдан мустақил ҳолда фаолият юритиши диний ва сиёсий яқка ҳокимчиликни ўз назоратида ушлаб туриш мажбуриятини олади.

Шундай қилиб, Ўзбекистонлик олима Абдироззоқова М.А секуляризм жараёни оқибатида юзага келган секуляризм жараёнининг қўйидаги

¹ Giving Secularism its Due, published in Economic and Political Weekly, July 9 1994 <http://www.fes.org/publication/whatissecularismfor PDF>

² M.Walzer, Liberalism and the art of Separation, Political Theory, Volume 12, No:3, August 1984, pp. 315-330.

хусусиятларини ажратиб кўрсатган¹: диний институтлар ўзларининг ижтимоий ва сиёсий вазифаларидан маҳрум бўлиши, ибодат амалиётларининг қисқариши, диний нуқтаи назарларнинг сиқиб чиқарилиши ва уларнинг турли-туман дунёвий қарашлар билан алмашиши, жамият ва ҳар бир киши онгида дунёвий ёндашувларнинг шаклланиши.

Секуляризм ва секуляризация жараёнлари замонавий иккита тенденциясини алоҳида ажратиб кўрсатиш лозим. Биринчи тенденция бу – диннинг (черковнинг) давлатдан ажратилиши ва диний анъаналарнинг қайта тикланиш бўлса, иккинчи тенденция бу – диннинг сиёсийлашуви ҳисоблади. XX асрнинг охиридан бошлаб “динни тиклаш”, “диний жамиятга қайтиш” каби тенденциялар секуляризм жараёнларига қарама-қарши тенденциялар сифатида намоён бўла бошлади².

Юқоридаги фикрдан келиб чиқадиган бўлсак, секуляризмни маълум даражада давлат ва жамият ўртасида муносабатларни ўрнатиш учун оммавий сиёсат тамойили сифатида таърифлаш мумкин. Тарихий тажриба шу кўрсатмоқдаки, дин турли туман жамиятлардаги одамлар орасида бирдамлик ва тинч бирга яшаш имкониятларини заифлаштириб келган. Секуляризм эса бир қатор диний жамоалар орасида сиёсий плюларизм жамиятининг имкониятларини кафалотловчи восита сифатида вужудга келди. Секуляризмнинг асосий ўзига хос томони у сиёсий жамиятда плюрализм ҳимоя қилиш қобилятига эга. Бошқа қилиб айтганда, секуляризмнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки у ҳукуматларнинг ҳар қандай тузуми даврида қабул қилиниши мумкин.

Таъкидлаб ўтиш жоизки баъзи давлатларда айниқса, миллатлар ва динлар турли туман бўлганмамлакатларда секуляризм маълум бир қонунлар билан тартибга солиб турилади ва ҳуқуқий нормалар билан мустаҳкамлаб қўйилган. Мисол учун, секуляризм фуқароларнинг шахсий ҳуқуқлари расмий тарздаги тенглиги шароитида динга эътиқод қилувчи ва эътиқод

¹ Абдираззакова М.А. Развитие секуляризма в странах Востока (на пример Индии и Турции). – Т.: ЖИДУ. автореф ... док. пол. наук, 2010. – С.18.

² Там же. – С.20.

қилмайдиганларнинг кадр-қиммати ва эркинликларни кафолатлайдиган давлат сиёсатининг тамойили сифатида Ҳиндистон Конституциясида ёзиб қўйилган¹.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасида давлатнинг динга нисбатан оқилона ишлаб чиқилган ва амалга оширилаётган сиёсати боис, қўшни давлатлардаги сингари фожеаларга йўл қўйилмади. Миллий ва диний тотувлик таъминлади. Ҳозирда мамлакатимизда 16 конфессияга мансуб диний ташкилотлар фаолият кўрсатмоқда. Уларга ўз диний маросимларини ўтказиш, мамлакат ҳаётида фаол иштироки учун зарур шарт-шароитлар яратиб берилган². Бу борадаги ҳуқуқий асослар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа бир қатор қонунларда белгилаб қўйилган. Жумладан, Конституциянинг 31-моддасида “Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳарб бир инсон хоҳлаган динига эътиқод қилиш ёки ҳеч бир динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди”³ деб қатъий белгилаб қўйилган.

Хулоса қилиб айтган, секуляризм давлатда диний ва тартибга солиб турувчи сиёсий институтлар, замонавий сиёсий дунё тузумининг ва дунёвий дунёқарашнинг шаклланиши доирасида Европада вужудга келди. Секуляризм Ренессанс даврида Европада вужудга келган концепция ҳимобланади. Ушбу концепцияга кўра, давлат ва жамият диндан ажралган ҳолда фаолият юритиши лозим. Дин шахсларнинг расм-русумлари билан кифояланиши керак ҳамда у давлат ва жамиятнинг ижтимоий ва сиёсий ишларига аралашмаслиги шарт. Умуман олганда дин давлатдан айри ҳолда ҳамда ўз вазифаси доирасида фаолият юритиши жоиз. Чунки бугунги глобаллашув даврида жаҳон сиёсий майдонида давлатлараро ўзаро сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий-маданий муносабатларда дин омили кучайиб бораётганлигини сезиш қийин эмас. Шунини қайт этиб ўтиш жоизки,

¹ Абрамов Д.Б. Секуляризм, фундаментализм и толерантность в современной индии.// [Мировая экономика и международные отношения. 2007. № 5. – С. 89.](#)

² Қаранг. Ўзбекистонда сиёсий ислохотлар жараёни / Ўз.Р. Президенти ҳузуридаги давлат ва жамият қурулиши академияси; тузувчи муаллифлар: С.Жўраев (ва бошқалар). –Т.:Академия, 2011. –Б.287.

³ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 31-модда. –Т.:Ўзбекистон, 2009. –Б.8.

секуляризм Европада пайдо бўлган дастлабки даврларда бир катор черковнинг қаршилигига учради ҳамда уни ҳаётга тадбиқ этиш борасида катор қарашлар шаклланди.

Секуляризм давлат ва жамиятда сиёсий соҳада ҳар хил кўринишдаги диний аралашувларни чеклайди. Қисқача қилиб айтганда, Европа жамиятида ўрта асрларда дин ўрнининг кучайи кетиши оқибатида секуляризм юзага келди. Чунки бу даврда жамиятда диннинг роли ниҳоятда кучайиб кетган эди. Ҳаттоки, Европа куруллари ҳам черков олдида ҳисоб беришга ва унга маълум миқдорда ўлпон тўлашга мажбур қилинган эди. Бундан ташқари черковнинг аҳолига нисбатан юкланган солиқлар ва мажбуриятлар ҳамда унинг жабр-зулмлари зўрайиб кетган эди. Ана шундай пайтда динни ислох қилишга тўғри келиб қолди ва секуляризмнинг пайдо бўлишиги олиб келди.

1.2. Европада секуляризм ривожланишининг сиёсий-тарихий илдизлари

Секуляризм ғарбий Европа тарижадаги энг муҳим ҳаракатлардан бири ҳисобланиб, Ғарбни фақатгина Ўрта асрлар ва қадимги даврдан эмас, шунингдек дунёдаги бошқа маданий минтақалардан фарқлашга ёрдам беради. секуляризм табиатини ва тарихини яхшироқ тушуниш бугунги кун жамиятида унинг ўрни ва таъсирини қандайлигини англаб етишда одамларга ёрдам беради. шу ўринда савол туғилади нима учун Ғарб маданиятида жамиятнинг секуляр кўриниши дунёнинг бошқа ерларига қараганда анча яшхи ривожланган?

Ўзбек олимлари Х.Т.Одилқориев ва Д.Х.Раззоқовларнинг “Сиёсатшунослик” дарслигида келтирилишича, антик замонлардаёқ сиёсатчилар Европада оммага таъсир кўрсатишнинг энг фаол воситаси сифатида христианлик ақидаларидан фойдаланиб черковни сиёсат курулига айлантирганликлари маълум бўлади. Инсоният цивилизациясининг кейинги босқичи – ўрта асрларда жаҳоннинг икки йирик дини – ислом ва христианлик

сиёсат ва сиёсатчиларга кучли таъсир кўрсатганки, натижада бу динлар Ғарбда ва Шарқда барча давлатлар устидаги “давлат”га айландилар. Бироқ, Европадаги реформация, монорхия режимлари сиёсий эҳтиёжларини кондириш борасида черков мавқеининг аста-секин сўниб бориши, мутлок сиёсий ҳокимиятнинг мустаҳкамланишига, охир-оқибатда эса христиан черковининг сиёсатга нисбатан таъсирининг синишига олиб келди. Феодал тартибларга қарши инқилоблар ва ундан кейинги сиёсий жараёнларда диний ақидалар якка ҳукмронлигидан узоқлашган Европа тафаккури бозор муносабатлари эркинлиги, дунёвий таълим ва техник тараққиёт сари жадал юзланди. Жамият мутлок ҳукмронлик бошқарувини рад этиб, антик демократиянинг айрим шаклларида ижодий равишда фойдаланишга киришди. Янги давр европасида ҳокимиятнинг черковдан узоқлашиши индивиднинг инсоний кадр-қиммати ҳақидаги масалани кун тартибига кўйди. Бу эса ҳукмдор ҳукмдор суверенитетидан халқ суверенитетига ўтишни тезлаштириб, турли дунёвий мафкуралар, жумладан, либерализм ҳамда либерал сиёсий тизимларни яратди¹.

Секуляризм христианлик бошчилигида черковнинг жабр-зулмлари одамларни ҳолдан тойдирган бир ҳолатда вужудга келди ва шунинг учун ҳам узоқ давом этган урушдан кейин европаликлар уйда ёки черковда ибодат қилиш шуғулланишдилар. Фуқаролар энди мамлакатни бошқариш вазифасини ҳукуматга ишона бошладилар.

Айрим олимлар секуляризмни Европадаги маърифатпарварлик даври билан боғлашади. Ўша даврда у Ғарб жамияти ичида асосий роль ўйнаган. Шу нуқтаий назардан қараганда черковнинг давлатдан ажратилиши ва унинг оқибатлари Қўшма Штатларда ва Францияда (бу давлатда секуляризм *Laïcité* деб аталган) оғир кўринишда ўтганлигини таъкидлашади².

Аслида секуляризм ибораси биринчи марта 1646 йилда Франциялик мауллифлар томонидан фойдаланилган ва секуляризм черков назоратида

¹ Одиқориев Х.Т., Раззоқова Д.Х. Сиёсатшунослик: Дарслик. –Т.Ўқитувчи, 2008. –Б.229-230.

² Secularism.// <http://www.worldlingo.com/ma/enwiki/ru/Secularism>

турган ҳудудларининг давлат мулкига ўтиш жараёни билдирган. Ўша даврларда тан олинган секуляризм сўзи фақатгина аниқ бир ҳодисани ангдатган ва умуман диний ва ғоявий ваколатларни дунёвий ҳукуматларга ўтишини назарда тутмаган. Аммо тез орада Европада секуляризм барча умумий-сиёсий вазифаларни ҳал этишнинг аниқ тамойили сифатида шаклланиб бормокда¹.

Таъкидлаш жоизки, Европада дунёвий давлатларнинг вужудга келиши ўрта асрлар сўнггида рўй берган – Уйғониш (Рениссанс) ва Реформация (лотинча, ислоҳ қилиш, ўзгартириш) билан билан боғлиқдир. Реформация – XVI асрда Ғарбий Европада католик черкови ва Рим папаси ҳокимиятига қарши олиб борилган ижтимоий-сиёсий, дини-мафкуравий ҳаракатдир. Худди шу даврга келиб, феодал тузумнинг инқирозга юз тутганлиги аён бўлиб қолди. Жамият турмуш тарзи тубдан янги бўлган меъёрлар тизими шакллана бошланди. Бу эса Уйғониш ва Реформация даврининг негизини ташкил этади. Уйғониш даврининг бошланиши Рим католик черковининг инқироzi ҳамда маданият, санъат ва эркин дунёқараш ривожланишининг бошланиш даврига айланди².

Айни чоғда бу даврда давлатнинг келиб чиқиш борасидаги қарашларда мавжуд шартнома назарияси³ бир қадар янги мазмун касб этган ҳолда чиқди. Мазкур назария орқали давлатнинг келиб чиқиш сабаблари, давлат ҳокимияти қонунийлиги каби давлат моҳиятини белгиловчи ҳодисалар тушунтириб берилади. Шу билан бирга XVI аср Европа ҳаётида улкан сиёсий, диний ўзгаришлар асри бўлганлиги билан характерланади. Франция, Испания, Австро-Венгрия, Германия, Англия, Россия давлатларида кучли дворянлар монархияси ташкил топа бошлади. Феодал тарқоқлик натижасида

¹ Абрамов Д.Б. Секуляризм, фундаментализм и толерантность в современной Индии.// - М.: [Мировая экономика и международные отношения. 2007. № 5. С. 91](#)

² Муҳиддинова Ф. Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи: Ўқув қўлланма. –Т.:ТДЮИ, 2006. –Б.86.

³ Шартнома назарияси – давлатни мустақил ҳукмдор ва унинг фуқаролари ўртасидаги ижтимоий ҳаётни ташкил қилиш ва тартибга солиш мақсадида тузилган келишуви.(Т.Гоббс, Ж.Локк ва ж.Руссо). // Қаранг. Ғафуров С.М., Хайдаров А.А., Тўлаганова Н.Ў. Сиёсатшунослик асослари: Ўқув қўлланмаси. – Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг наўриёти; Тошкент давлат шарқшунослик институти, 2006. – Б. 103.

йирик феодаллар имтиёзлардан ажрала бошланди. Католик черкови ўзининг маънавий-сиёсий эътиборини йўқотиб, унинг ўрнини Гус, Уиклиф ғоялари эгаллай бошлади. Черковнинг ўзи ҳам айрим диний ташкилотларга нисбатан танқидий муносабатларни ошкор эта бошлади¹.

Шундай қилиб, Европада бу тушунча давлатда диний ва сиёсий институтларнинг тартибга солиниши, замонавий сиёсий дунё қурилиши ва дунёвий дунёқарашнинг шаклланиш доирасида янги даврда вужудга келди. Қайд этиб ўтиш лозимки, Европада XVI-XVII асрлардаги ислохотлар даврида кенг миқёсдаги секуляризм жараёни ўтказилди.

Секуляризм ёйилиши билан параллел равишда бошқа ҳодиса юз берди яъни, қатор Европа давлатларининг мавқеининг ошиши ва ўз навбатида қатор Осиё ва Африка цивилизацияларининг кучсизланиши кўзатилди. Европаликлар бундай қулай вазиятдан оқилона фойдаланиб, бошқа мамлакатларга босқинчиликни бошладилар. Улар Шарқ давлатларининг бойликларини талон тарож қилиш билан чекланмасдан секуляризмни ёйишга ҳаракат қилдилар². Европа томонидан мустамлакага айлантирилган мамлакатларнинг раҳбарлари ва сиёсатчилари билан алоқа ўрнатиш ва Европада ушбу мамлакатлар юқори тоифали вакилларининг ўқиши ушбу давлатларда секуляризм ғояларининг кенг ёйилиши учун замин яратди. Шундай қилиб, мустамлакага айлантирилган мамлакатлар Европадаги секуляризм тамойилларига бўй сўниши керак эди³.

Европа секуляризм жараёни икки муҳим ривожланиш омили билан боғлиқлаш мумкин: биринчидан, 16 асрдан бошлаб бугунги кунга қадар Европада черковнинг давлат ваҷамитя ҳаётидаги ролининг мутасил сусайиб борди, иккинчидан, биринчи омилдан келиб чиққан ҳолда инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасидаги қарашларда черков ўз аҳамиятини йўқотди. Бунинг натижасида 19 асрнинг охири ва 20 асрнинг бошларида Ғарбий Европанинг кўплаб конституциявий давлатларида диннинг эркин

¹ Муҳиддинова Ф. Сиёсий ва ҳуққий таълимотлар тарихи: Ўқув қўлланма. –Т.:ТДЮИ, 2006. –Б.87-88.

² *Изоляция секуляризма в исламском мире.* // <http://ahmad-al-jafar.livejournal.com/5946.html>

³ John Esposito. Islam and Secularism: Exploring the place of religion in secular society.// Arches Quarterly. – London. The cordoba foundation. 2008. Volume2. – P.17.

бўлиши мамлакатлар сиёсати, жамияти ва иқтисодиётнинг кўп тузулмаларига ижобий таъсир кўрсатди¹.

Секуляризмнинг асосий ғояси динни ҳар қандай қўллаб-қувватловчи ёрдамни давлат томонидан чекланишидан иборат ва шунингдек, давлат ҳокимияти органлари томонидан динга кўрсатилаётган ёрдамни назорат қилиш ҳисобланади.

XIX-XX асрлар тарихи иккита муҳим бир-бирига қарама-қарши жараёнларни кўрсатади яъни булар диндан холи сиёсат юритиш ва диннинг сиёсийлашуви. Давлат органлари дунё қадриятларини етказувчиси сифатида черковнинг бирлаштирувчи ролига ва аниқ ижтимоий, таълим-тарбия соҳасидаги ҳамда диний мақсадларга этишишнинг муҳим воситаси сифатида динга ўз эътиборини қаратишган².

XIX асрнинг биринчи ярмида Ғарбий Европа давлатларининг – Англия, Франция, Германия, Шведцария, Голландиянинг ижтимоий-сиёсий ҳаёти буржуа тартибларининг ўрнатилиши ва мустақамланиш жараёни билан кечди. Бундай тарихий жараён натижасида кўпгина ғоявий оқимлар пайдо бўлди. XVIII аср охирида Францияда рўй берган инқилоб Европада капитализмнинг ривожига муҳим рол ўйнади. Ғарбий Европада ўрнатилган капиталистик тузум либерализм остида ўзининг ғоявий ифодасини топди. Бу XIX асрда машҳур сиёсий ва интеллектуал оқим ҳисобланган. Бу бир қатор давлат ва давлат бошқаруви, секуларистик қарашларнинг ривожаланишига оилб келди.

Маълумки, социологияда секуляризмни талқин этишга доир икки шаклланган қараш мавжуд.

Биринчи қараш бевосита Фрунцуз маърифатпарварлари номи билан боғлиқ. Кейинчалик уларга О.Кант, К.Маркс, Б.Рассел, Ф.Ницше, Э.Фромма, Ж.П.Сарта, Т.Лукман, Ю.Хабермас ва бошқалар қўшилишди. Ушбу нуқтайи назар секуляризмни диннинг эскириши ёки йўқолишининг табиий жараён ва

¹ Susanne Kolb, Petra Rosgen. The culture of European History in the 21st century. – Bonn. Haus der Geschichte der Bundesrepublik Deutschland. 1999. – P.71-72.

² Abdurazzakova. M.A. Secularization: issues of mutual relations of politics and religion. //Халқаро муносабатлар, ЖИДУ. 2004, - P.76.

“афсонадан ҳақиқатга” инсоният онгининг абадий ривожланишининг натижаси сифатида изоҳлайдилар. И.Кант “Давлат бу – ҳуқуқий қонунларга бўйсунган кўпчилик инсонлар бирлашмаси” дея таъриф берган бўлса, М.Вебер секуляризм - бу “дунёни сеҳру жодудан холос этиш” дея изоҳлайди. У аста-секин динни ва сўнг барча йирик маваффақиятлар билан илм-фанни, дунёвий этикитни ва дунёвий таълим тизимини ўрнини босади. Биз секуляризмни бундай талқин этиш турли туман фалсафий ва сиёсий дунёқараш (позитивизм(буржуа фалсафасида: ҳамма ҳақиқий, позитив билимлар конкрет фанларнинг махсулидир, философия эса бундай билимларни бера олмайди, шунинг учун унинг кераги йўқ, деган ғояга асосланган субъектив идеалистик оқим), материализм, экзистенциализм, либерализм ва бошқалар) лардаги одамларда ҳақиқий акс-садосини кўрамиз.

Секуляризмни талқин этишдаги иккинчи қараш Т.Парсонс ва П.Бергер номлари билан шунингдек секуляризм диннинг йўқолиб кетишига олиб келмайдиган, аксинча, у диннинг ижтимоий ва маданий вазифаларининг бошқа кўринишига олиб келишини тасдиқлайдиган диний файласуфларнинг нуқтайи назарлари билан боғлиқ. Бу қараш тарафдорлари секуляризм шароитида ихтиёрий шахсий танловнинг роль ўсишига эътиборни қаратишмоқда. Бошқа томондан, улар ғарб цивилизациясининг диний манбаи бўлган секуляризмни эътиборсиз қолдириш мумкин эмаслигини эътироф этишмоқда. Бундай ёндошувда христианлик дини ғарб цивилизациясининг авлоддан авлодга ўтиб келаётган “табиий белигиси” сифатида қабул қилинмоқда¹.

Т.Парсонс (ўзининг ижтимоий ва маданий тизимнинг мослашуви ва ўзаро бир-бирига таъсири назариясида) “дининг олтин асри” концепциясига тарихий нуқтайи назардан шубҳа қилиб, диний институтлар сира ҳам ўз таъсирини йўқотмаслигини ҳамда жамиятда муҳим ўрин эгаллашда давлат этади деб таъкидлаб ўтди².

¹ [Александр Журавский](http://magazines.russ.ru/continent/2004/120/zh17.html). Религиозная традиция в условиях кризиса секуляризма.//<http://magazines.russ.ru/continent/2004/120/zh17.html>

² Там же

Шубҳасиз, азалдан ўзгараётган дунё шарт-шароитларига кўпроқ мослашиб, қоришиб кетаётган янги диний ҳаракатлар виждон эркинлиги ва плюрализм хусусан, диний қадриятлари сифатида диндан ҳоли дунёни забт этишга кўмаклашаётган анъанавий динлар билан рақобатга керишмоқда. Қайд этиб ўтиш лозимки Европалик олимнинг фикригача “Европада черковнинг инқирозига сабаб – капитализм эмас ва албатта секуляризм ҳам эмас – деб эътироф этади П. Бергер, - плюрализм яъни, маънавий қадриятлар ва йўналишни кўрсатувчи белгиларни аниқлаш соҳасида черковнинг монополь ҳукмронликка эгаликдан маҳрум этилишига сабаб бўлди”¹.

Америкалик социолог диннинг мазмун моҳиятини “ўзида мужассамлаштирмаган” ижтимоий тузилиш даражасидаги секуляризм тушунчасини очиб берадиган плюрализм тўғрисида ёзади. Шу сабабли ҳам Америкалик олим айтиб ўтганидек шунга ўхшаш “субъектив секуляризация” оқибатлари “тенглик бузилиши”га ҳамда салбий натижаларга олиб келади².

Маълумки, секуляризм Европада сиёсий ҳокимият диний конфессиялар ва институтлар билан ўзаро муносабатларда бетарафликка риоя қилиш лозимлигини талаб қилмоқда.

Гап шундаки Европадаги секуляризм нуқтائي назарига мувофиқ дин сиёсий ва жамоавий ишларда муҳим роль ўйнай олмайди. Ушбу ғоя умуман олганда, бир қатор давлатлардаги фарқларга қарамасдан бутун Европада кенг тарқалди. Шу сабабли қайд этиб ўтиш керакки, Франциядан ташқари бу бетарафлик тамойили дин ва ҳокимиятнинг бутунлай ажратилиши лозимлигини билдирмайди.

Амалда эса, Европа давлатларида давлат ва диннинг ўзаро муносабатлари учта асосий модел доирасида қурилмоқда. Ушбу моделлар қўйидагилар:³ 1) расмий давлат диннинг белгиланиши; 2) давлат ва черков ўртасида конструктив ҳамкорликнинг ўрнатилганлиги; 3) давлат ва черковнинг қатъий ажратилганлиги. Аммо, Европа ижтимоий-сиёсий

¹ Бергер П. Секуляризация и проблема убедительности // Неприкосновенный запас. № 32. 2003. – С.20.

² Велькер М. Христианство и плюрализм. М., 2001. С.141-146.

³ Курбанов Р. Три сценария для мусульманской Европы.// <http://www.islam.ru/pressclub/islamofobia/triscenar>

маконига исломнинг кириб келиши яна бутун минтақада илгари тугалланган деб ҳисобланган давлат ва черков ўртасидаги ўзаро муносабатлардаги эски муаммони яна авж олдирди.

Бугунги кунда Европадаги секуляризмнинг икки тури ажратиб кўрсатиш жоиз. Бир томондан, бу ўзига хос сохта дин ҳисобланган кескин жангавор секуляризм. Бошқа томондан, диний ҳаётга, диний ишонтиришга ва бошқа бошқа дунёқарашларга нисбатан муносабатда бетарафлик тамойилини ўзида акс эттирган секуляризм. Секуляризмнинг бу кўриниши динни бутунлай йўқ қилишни ўз олидига мақсад қилиб қўймаган¹.

Хулоса қилиш мумкинки, Европада секуляризмнинг ривожланиши кўйидаги жиҳатларни қамраб олади:

Биринчидан, Европа дин ва давлат муносабатлари узок тарихга эга бўлиб, асосий хусусияти жамиятда ва давлат бошқарувида дастлаб дин (католик черкови)нинг таъсири назорати остида бўлганлигига қарамай, дастлабки дунёвий давлатлар шакллана бошлаган минтақа ҳисобланади.

Иккинчидан, Европада диннинг давлатдан ажралишига Уйғониш ва Реформация даврида давлат бошқаруви, жамиятда диннинг ўрни бораси шаклланган бир қатор назарий қарашлар кучли таъсир ўтказа бошлаган.

Учинчидан, бугунги кунда ҳам Европа давлатлари давлат ва дин муносабатларини тартибга солиш, диний бағрикенгликни шакллантириш, миграция оқибати Европа давлатларида турли дин вакиллари ўртасидаги тўқнашувларга йўл қўймаслик, ижтимоий кескинликни олдини олиш борасида самарали сиёсат юритаётганлигини кузатиш мумкин.

¹ Современные вызовы глобального мира: секуляризм и религиозное мировоззрение.// <http://www.patriarchia.ru/db/text/1178278.html>

2-БОБ. ГЕРМАНИЯДА СЕКУЛЯРИЗМ СИЁСАТИНИНГ ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ҚУРИЛИШИДАГИ АҲАМИЯТИ

2.1. Германия секуляризм сиёсатининг шаклланиши

Бугунги кунда давлат ва дин ўртасидаги муносабатлар энг нозик масалалардан бири ҳисобланиди. Чунки ҳар қандай давлат ташқи сиёсатига таъсир эта оладиган омиллардан бири ҳам диний омил ҳисобланади. Маълумки, ҳозирда дунёнинг кўпчилики давлатларида хусусан, Ўзбекистон Республикаси ва Германия Федератив Республикасида ҳам турли динларга эътиқот қилувчи бир қанча миллат вакиллари истиқомат қилиб келмоқда. Шундай экан, ҳар қандай давлат олидида турган долзарб муаммолардан бири ҳам айнан, жамиятда диннинг туган ўрни ва дунёвий давлатда динга нисбатан сиёсат қандай бўлиши керак каби саволлар турибди.

Мамлакатимиз мустақилликни қўлга киритган дастлабки кунлардан бошлаб дин масалаларига алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Бунинг натижасида Ўзбекистон Республикасида давлатнинг динга нисбатан оқилона равишда ишлаб чиқилган ва амалга оширилиб келинмоқда. Мамлакатимизда барпо этилаётган дунёвий, демократик жамият, ҳуқуқий давлатлардаги давлат ва дин муносабатлари мустақил ўзбекистон Республикаси Конституциясида ва “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонунда очиқ ойдин ёзиб қўйилган. Республикамизда дин давлатдан расман ажратилган. Аммо диннинг давлатдан ажратилганлиги унинг жамиятдан ажратилганлигини билдирмайди. Мамлакатимиз раҳбари таъкидлаганидек, “давлат диндор фуқароларнинг диний эътиқод ва ҳақ-ҳуқуқларини қанчалик ҳурмат эҳтиром қилса, диндорлар ҳам давлат қонунлари ва сиёсатини шунчалик ҳурмат-эҳтиром қилишлари шарт”¹.

¹ Каримов И.А Биздан озод ва обод ватан қолсин. Т.6. – Т.: Ўзбекистон, 1996., – Б. 291.

Демак, секуляр сиёсат нафақат давлат ва диннинг бир-бирларининг ишларига аралашмаслик, нисбий мустақиллиги, балки ўзаро ҳамкорлик, диалог ва ижтимоий масалаларни ҳал этишда, жамият тақдирини белгилашда яқдиллик, бирдамлик ҳамдир¹.

Энди, бевосита Германияда секуляризм сиёсатининг шаклланиш масалаларига ҳамда давлат ва дин ўртасидаги муносабатларга тўхталиб ўтсак.

Бизга маълумки, секуляризм ибораси XVI асрда руй берган Европадаги реформация (16 - асрда Ғарбий Европада католик черковига ва папа ҳокимиятига қарши олиб борилган диний шаклдаги ижтимоий-сиёсий ҳаракат) жараёнларга бориб тақалади. Ўрта асрларда папа ҳокимиятининг кучайиб кетиши, черков учун аҳолига солинадиган солиқларнинг кўпайтириб юборилиши аҳоли орасида норозиликнинг келиб чиқишига олиб келди. Ўз навбатида, бундай ҳолат Германияда черковнинг ислоҳ этилишига эҳтиёж сезилди². Маълумки, Германияда секуляризм сиёсатининг шаклланиш даври 16 -18 асрларни ўз ичига олади³.

Реформация - XVI асрда католик черкови таълимотини ислоҳ қилиш мақсадида Германияда бўлиб ўтган ва XVII асраинг биринчи ярмида Ғарбий Европанинг қатор давлатларига ҳам ёйилган ижтимоий ҳаракатдир. Бу ҳаракат оқибатида католик черковида бўлиниш юз берди. Оқибатда протестантлик оқими вужудга келди.⁴

Чунки XVI аср бошларида Германия ҳудудида асосан католик дини катта мавқега эга ва Рим католик черковининг Германияда беҳисоб бойликларга эга эди. Ўша вақтларда оддий аҳолидан, то қудратли князларгача ўз даромадининг ўндан бир қисмини черковга беришга мажбур эдилар. Айни пайтда черковнинг ўзи ҳам катта ер-мулк эгаси эди.

¹ Дадабаева М. Секуляр сиёсат изчиллигини таъминлаш – диний экстремизмнинг олдини олиш омили.//Шарқшунослик, ТашДШИ. 2007, - Б. 102.

² Prafull Goradia. Genesis of secularism.// [http://www.indiarightsonline.com/Sabrang/relipolcom3.nsf/5e7647d942f529c9e5256c3100376e2e/2a892445fbc8c17ee5256c0900340890/\\$FILE/bac03012.pdf](http://www.indiarightsonline.com/Sabrang/relipolcom3.nsf/5e7647d942f529c9e5256c3100376e2e/2a892445fbc8c17ee5256c0900340890/$FILE/bac03012.pdf)

³ Rajeev B. Political Secularism. In A Handbook of Political Theory./ John Dryzek, B. Honnig and Anne Philips (ed.), – Oxford.: Oxford University Press, 2006, –P.636-655.

⁴ Реформация.// <http://www.ru.wikipedia.org/wiki/Реформация>

Реформация 1517- йилда Германия аҳолисининг католик черковини ислоҳ қилишни талаб қилиб чиқишидан бошланди. Реформацияни, князларнинг бир қисми, шаҳарликлар ва деҳқонлар қўллаб-қувватладилар. Реформация кучайишига Мартин Лютер таълимоти катта таъсир кўрсатди.¹ Тез орада Германияда католик черковининг зулмига ва зўравонлигига қарши бошланган ҳаракат оммавий тус олди. 1524 - йилда эса бу ҳаракат ҳатто деҳқонларнинг кўзғолонига айланиб кетди. Гарчанд деҳқонлар урушда енгилган бўлсалар-да, у Германияда католик черкови ҳукмронлигига барҳам берилишида катта аҳамиятга эга бўлди².

Натижада, 1526 - йилда Германия рейхцаги немис фуқароларининг талаби билан ҳар бир немис князи ўзи ва фуқароси учун хоҳлаган динни танлаш ҳуқуқига эга эканлиги тўғрисида қарор қабул қилди. Бу қарор айрим тадқиқотчилар томонидан мамлакатда давлат ва дин ўртасидаги муносабатларнинг шаклланиши учун асос бўлиб хизмат қилди деб таъкидлашмоқда³. Бироқ, 1529 - йилда рейхцаг бу қарорни бекор қилди. Протестант князлар 1555 - йилда Рим Папаси билан битим тузишга муваффақ бўлдилар. Унга кўра, энди ҳар бир княз ўз фуқаролари учун истаган динни, яъни ё лютерчиликни, ёки католикликни танлаш ҳуқуқига эга бўлганлар. Шу даврдан бошлаб реформациянинг барча тарафдорлари протестантлар, янги черков эса протестант черкови деб атала бошланди. Шундай қилиб, христианликда учинчи оқим - протестантлик вужудга келди⁴.

Эслатиб ўтиш жоизки, М. Лютернинг католик таълимотига киритган ислоҳлари натижасида вужудга келган таълимотнинг номи билан лютерчилик деб аталди. “лютерчилик” ва “протестантлик” атамалари амалда бир хил маънони англатади.

Юқорида айтиб ўтилганидек, реформация давридаги оммавий ҳаракатнинг энг юқори чўққиси 1524-26 йиллардаги деҳқонлар урушига олиб

¹ Religion in Germany.//<http://www.asiarooms.com/en/travel-guide/germany/-culture-of-germany/religion-in-germany.html>

² Павлов Н.В. История современной Германии 1945-2005. М., 2006, – С.212.

³ Экономическое развитие Германии в конце XV — начале XVI в.// http://www.gumer.info/bibliotek/Buks/History/kol_istr/30.php

⁴ Власов Н.А. Германия в начале XXI века. СПб., 2008. – С. 105.

келди. 1618 йилга келиб католик ва протестантларнинг ўзаро курашлари Европадаги ўттиз йиллик уруш (1618-48) келиб чиқишига сабаб бўлди.

Германияда дастлаб секуляризация жараёни черков мулкининг фуқаролар ёки давлат мулкига ўтишини англатган. Унинг биринчи марта фойдаланилган пайти 1648 йилда тугаган ўттиз йиллик урушдан кейин черков ерларининг давлат ихтиёрига ўтказилиб юборилиши билан боғлиқ. Чунки ўша даврларда христиан черковлари йирик ер-мулкларига эгалик қилишар эди¹.

Секуляризация ва дунёвийлик капиталистик ва кучли давлатларнинг вужудга келиши билан Ғарбий Европада вужудга кела бошланди. Бошқа томондан секуляризация даставвал кўп асрлар давомида фан ва илмий дунёқарашнинг кўтарилишни ўз ичига олган ҳолда Ғарбда юз бермоқда.

Германияда баъзан протестантизмни секуляризм учун куч сифатида ҳисоблашади. Айнан протестантлар католик черковига қарши курашишда бошчилик қилдилар. Ва ниҳоят дунёвий давлат элементлари пайдо бўла бошлади. 17-18 асрларда илм-фаннинг гуллаб-яшнаши натижасида Германияда черковнинг таъсири камайиб борди. Бу ҳолат черков таъсирнинг сусайишига ва дунёвий давлатларнинг вужудга келишига олиб келди.

Бир қанча олимлар аҳолини ўзларининг асарлари билан диний эркинлик тарғиб қилиш орқали секуляризмга чақиритди. Масалан, Жон Локк ўзининг “диний эркинлик тўғрисидаги хат” (1689) ва Жона Стюарта Милля “эркинлик тўғрисида” каби асарларини келтириб ўтиш мумкин. Бошқа бир қатор мутафаккирлар ўзиларининг нутқлари ва асарлари билан католик черковини айблаб келдилар².

Кўпчилик давлатларда жумладан, Германияда давлат мактаблар, ижтимоий институтлар ва жамоатчилик устидан назоратни қўлга олиш учун черков билан узоқ вақт курашиб келди. Умуман олганда, черков билан

¹ Абрамов Д.Б. Секуляризм, фундаментализм и толерантность в современной индии.// Мировая экономика и международные отношения. 2007. № 5. – С .89.

² Секуляризации и секуляризма - секуляризма и его противников с 1914.//

<http://science.jrank.org/pages/11241/Secularization-Secularism-Secularism-Its-Opponents-since-1914.html>

бўлган курашларда давлат-миллатлар ғалаб қозонди ва ўзларининг дунёвий ҳокимиятларини кенгайтиришга эришдилар.

Таъкидлаб ўтиш лозимки, 1848-1914 йилларда Ғарбий Европада хусусан, Германияда атеизм ва диннинг энг гуллаб яшнаган даври бўлди. Натижада давлат ва черков ўртасидаги курашдан сўнг Германияда дунёвий давлат ташкил этилди. Оқибатда болалар ва аҳолини тарбиялашда дунёвий билим асосида таълим берилди бошланди.

Германия фашистлар даврида динга қаттиқ муносабатда бўлишган. Улар асосан диний ташлотлардан ўз мавқеларини мустаҳкамлаб олишда восита сифатида фойдаланишган. Бундан ташқари фашистлар черков вакиллари билан айғокчилик ишларини амалга оширишда ҳам фойдаланишган. Ўша вақтларда черков томонидан чоп этилган нашрларнинг шу нарса аён бўладики, католиклар, протестантлар ва проваславлар фашистлар сиёсати билан келишиб иш олиб борганлар¹. Гитлерчилар тузуми дин устидан давлатнинг назоратини кучайтириб вазиятни ўзгартириб юборди. Урушдан кейинги даврда Германиянинг парчаланиши мамлакатда мунтазам атеистлар сонининг ўсишига олиб келди. Католиклар ва протестантлар ўртасидаги муносабатлар шундай бўлди, яъни мамлакат ғарбида католиклар ва протестантлар миқдори бир хил эди, аммо шарқда эса протестантлар беш баробар ортиқ эди. Бунути кунда икки немис давлатининг бирлашганидан сўнг кўпчилиكنи ташкил этадиган католиклар ва протестантлар амалда сон жиҳатдан бир биридан устун бўла олмаяпти.² Умуман олганда, 1949 йилда Германияда Асосий Қонуннинг кучга кириши билан давлатнинг динга бўлган муносабати ҳамда давлат ва дин ўртасидаги алоқалар ҳуқуқи жиҳатдан тартибга солинди.

Сиёсий фанлар доктори Ива Алмананинг фикрича, замонавий дунёнинг ҳозирги шароитида секуляр давлат сиёсий соҳа билан диний соҳа ўртасида чегаранинг белгиланиши учун замин яратади ва диний плюрализмни таъмин

¹ Кандидов. Б. Религиозная агентура германского фашизма. // <http://vault.exmachina.ru/spy/12/>

² Велькер М. Христианство и плюрализм. – М., НАУКА. 2001. – С. 72.

этади¹. Демак, бугунги кунда ўз конституцияси орқали дунёвий кўришдаги давлат деб эълон қилган қатор давлатлар сиёсий фаолиятда черковнинг иштирокини камайтиришга уринмоқдалар. Шу сабабли ҳам черков жамиятдаги ўз ролини сақлаб қолмоқда ва ўз навбатида, бу нарса давлат ва черков ўртасидаги ўзаро муносабатлар заифлаштирмапти. Масалан, Германияда давлат тадбирларида черков вакилларининг қатнашишига рухсат берилмоқда ва маҳаллий ўз-ўзини ирода қилиш органлари даражасида биргаликда акциялар ўтказиб келишмоқда. Бу ҳолат ўз навбатида, 1949 йилги Конституцияда ҳуқуқий асосини топган. Конституцияга кўра, черков учун солиқлар ундириш ҳуқуқи мустаҳкамлаб қўйилган. Оддийгина солиқлар масаласида давлат ва дин уртасида мустаҳкам алоқа ўрнатилганлигини кўзатишимиз мумкин. Шу ўринда давлат ҳам черковнинг кўмагига муҳтожлик сезмоқда. Мисол учун, мактабда диний таълим бериш ва ҳуқуқ тартибот ходимлари ва аскарлар ўртасида тегишли тадбирларни ўтказиш жараёнларида. Кўриб турибдики, ҳозирда давлат ва дин ўртасида мустаҳкам алоқалар ҳам ҳуқуқий томондан ҳам амалий жиҳатдан яхши қўлга қўйилган.

Ҳозирда Германияда Протестантлар 34 фоизни, Рим католиклари 34 фоизни, мусулмонлар 3,7 фоизни ва бошқа дин вакиллари 28,3 фозни ташкил этади². Ҳозирги кунда мамлакатда 82,5 млн аҳоли сонини қуйидаги дин вакиллари ташкил этади: 26 млн протестантлар; 26 млн католиклар; 3.2 млн мусулмонлар; 1 млн православлар; 0.2 млн яҳудийлар; 0.15 млн буддистлар; 0.1 млн индуистлар; 0.5-0.85 млн бошқа диний жамоа вакиллари.³ Ушбу рақамларда кўриниб турибдики, католиклар ва протестантлар Германия аҳолисининг учдан икки қисмини ташкил этади.

Дин эркинлиги ҳамда диний ва диний бўлмаган эътиқотлар эркинлиги Германия Конституциясининг 4 моддаси билан ҳимоя қилинади. Федерал конституциявий судда талқин этилганидек, бу асосий ҳуқуқ нафақат алоҳида

¹ Ванина Е. Секуляризм и межконфессиональные отношения. // Азия и Африка сегодня. – 2006, №9. – С. 73.

² Federal Republic of Germany. // <http://www.state.gov/r/pa/ei/bgn/3997.htm>

³ Новиков А.А. Германия в современной Европе / Учебное пособие. ДА МИД РФ. – М.: Научная книга, 2005. – С. 10.

шахсларни шунингдек, давлатнинг аралашувига қарши диний жамоаларни ҳимоя қилади. Шундай қилиб, диний эркинлик Конституция ва шунингдек, кўпгина Федерал конституциявий суд қарорлари билан кафолатланган ҳисобланади. Дин эркинлиги конституциявий ҳуқуқ ҳисобланди. Яна шуни таъкинлаш жоизки, дин эркинлиги бошқа қонунлар билан чекланиши мумкин эмас. Яққол иерархия (қуйи мансабдорларнинг юқори мансабдорларга босқичма-босқич бўйсуниси) йўқлигига қарамасдан, дин эркинлигига қараганда шахсий дахлсизлик ва яшаш эркинлиги устун ҳисобланади. Бошқача сўз билан айтганда, дин эркинлиги чекланмаган ҳисобланмайди. Шундай қилиб, юридик нуқтаи назардан қараганда дин эркинлиги фақатгина Федерал конституция моддалари билан эмас, балки ҳуқуқий тизимда амал қилаётган қонунлар, низомлар ва суд қарорлари билан ҳам муҳофазаланган.

Бугунги кунда Германияда давлат ва дин муносабатларини ўзаро тартибга солиб турвчи секуляр сиёсат мустақил қонунчилик базасига таянади. Бу биринчи навбатда, Германия Федератив Республикасининг 1949 йил 23 майда қабул қилинган Асосий Қонуни (Конституцияси)дир. Асосий Қонуннинг фуқароларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликларига бағишланган 1 бобнинг 4 моддасида (1) “дин, виждон эркинлиги ва диний эътиқодлар эркинлиги дахлсиздир” (2) “динга монеликсиз эътиқод қилиш кафолатланади” шунингдек, 7 моддада “диний таълим умумий мактабларда мажбурий фан ҳисобланади, конфессияларга мансуб бўлмаган мактаблар бундай мустасно. Диний таълим давлатнинг назорат қилиш ҳуқуқига зарар етказмаган ҳолда, диний жамоалар тамойилларига мувофиқ равишда олиб борилади. Ўқитувчи ўз хоҳиш-иродасига зид ҳолда диний таълим беришга мажбур эмас” деб ёзиб қўйилган.¹ Бундан ташқари, Германиянинг бир қатор диний ва виждон эркинлиги тўғрисидаги федерал қонунларда диний эркинлик каби қоидалар мустаҳкамлаб қўйилган. Демак, ушбу федерал қонунлар билан дин ва давлат ўртасидаги муносабатларда юзага келадиган

¹ Grundgesetz für die Bundesrepublik Deutschland (23.05.1949). Article 4 (1-2).// <http://www.gesetze-im-internet.de/bundesrecht/gg/gesamt.pdf>

турли можароларга ҳуқуқий мақом белгилаб берилганлигидан гувоҳлик беради.

Шундай қилиб, ҳукумат томонидан черков устунлиги тан олинган ҳолда, унинг оммавий-жамоат мақомига эга бўлган радио, телевединия ва кино соҳасининг раҳбар органларида иштирок этиш ҳамда мактабларда диний таълим бериш ҳуқуқлари белгилаб берилди. Муҳими давлат ва черковнинг ижтимоий соҳаларда (таъли-тарбия, соғлиқни сақлаш кабилар) биргаликда самарали ҳаракати йўлга қўйилган.

Эслатиб ўтамиз, ҳозирда Германияда давлат черковлари мавжуд эмас. Мамлакатдаги аҳолининг учдан икки қисми ё католик ёки бўлмаса **евангелический** черкови вакиллари ҳисобланади. Германиядаги католик черкови Рим папаси бошчилик қиладиган бутун дунё Рим католик черковига телишлидир. **Евангелический** черкови 22 та мустақил минтақавий **евангелический** черковларидан иборат бўлиб, улар аксарият протестантларни бирлаштириб туради¹. Шунинг учун немис фуқароларнинг катта қисмини христиан динига мансуб аҳоли ташкил этади.

Бугунги глобаллашув даврида Германия сиёсий ҳаётида ислом дининг ўрни алоҳида аҳамият касб этади. Расмий статистик маълумотларга кўра, Еуропада ислом дини тарафдорларининг сони охирги 100 йилда 13 фоиздан 19,5 фоизгача кўпайган. Шу сабаб ўтган асрни ернинг бу қитъасида ислом ва мусулмонлар асри деб аташ мумкин эди².

Европа Иттифоқи давлатлари ичида ислом дини бошқаларига қараганда Германияда устун мавқега эга. Масалан, ҳозирда ГФРда 4 млнга яқин мусулмонлар яшайди. Иккинчи жаҳон урушигача, ўша пайтдаги нацистлар давлатида масжидлар сони ўндан ошмасди, ҳозир эса улар 2 мингдан ортиқ Германиянинг ҳар битта катта шаҳрида ҳеч бўлмаганда кичик мусулмонлар жамоалари мавжуд. Тарихан мусулмонларнинг кўп сонли жамоалари мамлакатнинг ғарбий қисмида кўпроқ шаклланган, бу ерда бутун

¹ Германия факты. – Франкфурт-на-Майни.: Societaets-Verlag, 2010. – С. 144-145.

² Ёвқочев Ш.А. Ислам ва ҳозирги замон. Ўқув қўлланма. – Т.: Тошкент ислом университети нашриёт-манбаа бирлашмаси. – Б. 197.

бир мусулмон туманлари юзага келган.¹ Шунинг учун ҳам Германияда ислом энг тез тарқаладиган дин ҳисобланади. Ҳозирда Германияда 4,3 млн мусулмон аҳолиси яшайди².

Яна шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, нафақат Германия, балки бутун дунёда мусулмон аҳолисининг бошқа дин вакилларига қараганда ўсиш суратлари тез кечмоқда. Шунинг учун бугунги кунда федерал ҳукуматда ислом дини масаласида баҳслар авж олиб бормоқда. Айниқса бугунги кунда Германияда оппозицион партия вакиллари ушбу масалага алоҳида эътибор қаратишмоқда. Мисол учун, ҳукуматга ислом динига расмий мақом бериш талаби билан Германия социал-демократик ва "Яшиллар" партиялар чиқишмоқда. Социал-демократлар партиясининг ички сиёсат бўйича котиби Дитер Вифельспютц (Dieter Wiefelspuetz) Германия "мусулмонларга имконият бериш" кераклигини таъкидлаб ўтди. Унинг фикрига кўра, мусулмон уюшмаларини расмий тан олиш "Германияда яшовчи 4 млн мусулмон учун муҳим сигнал" бўлиб хизмат қилади³. Ўз навбатида, яна бир оппозицион партия бўлмиш "Яшиллар" партияси вакили Мемет Киличнинг (Memet Kilic) фикрича, ислом динига эътиқод қилувчиларни ҳукумат томонидан немислар жамиятининг тўла ҳуқуқли аъзолари сифатида тан олиниши мусулмонларга "Германияда яшаётганликларидан миннатдор" бўлиш ҳиссини юзага келтиради. Немис оппозицион вакилларининг мурожатларини инобатга олган ҳолда, иғво ва жанжалларга қарамасдан федерал президент ўз нутқида ислом христианлик ва иудаизм динлари каби Германиянинг бир қисми эканлигини таъкидлаб ўтди. Президентнинг бу фикрига ГФРнинг – Христиан-демократлар ва Христиан-социал иттифоқи вакиллари норозилик билдиришмоқда⁴. Маълумки, бугунги кунда фақатгина христианлик ва иудаизм Германия диний жамиятида ва қонунларида расмий мақомга эга.

¹ Ёвқочев Ш.А. Ислом ва ҳозирги замон. Ўқув қўлланма. – Т.: Тошкент ислом университети нашриёт-манбаа бирлашмаси. – Б. 198.

² В мечетях Германии организуют День открытых дверей.// <http://www.tatar-inform.ru/news/2010/09/26/238398/>

³ Немецкие оппозиционеры потребовали официального статуса для ислама.//<http://lenta.ru/news/2010/10/07/islam/>

⁴ Там же.

Ислом дининг халқаро майдондаги аҳамияти ошиб бораётганлиги кўзатилмоқда. Германия Президенти “христианлик шубҳасиз, Германиянинг бир қисми ҳисобланди. Иудаизм, ҳам шубҳасиз, Германиянинг бир қисми ҳисобланди. Бу бизнинг христиан-иудаизм тарихимиз ҳисобланди. Бироқ, энди ислом ҳам Германиянинг бир қисми ҳисобланади” деб таъкидлаб ўтган эди¹.

Юқоридагилари умумлаштириб айтганда, бугунги кунда дин ва давлат ўртасидаги муносабатлар мувозанатда ушлаб туриш муҳим масалалардан ҳисобланди. Секуляризм сиёсати нафақат давлат ва диннинг бир-бирларининг ишларига аралашмаслик нисбий мустақиллиги, балки ўзаро ҳамкорлик, муроса ва ижтимоий масалаларни ҳал этишда, жамият тақдирини белгилашда яқдиллик, бирлик ҳамдир.

Германияда секуляризм сиёсатининг шаклланиши узоқ даврларни ўз ичга олади. Унинг илдизлари асосан ўрта асрлар даврга бориб тақалишини эътироф этиш лозим. Бугунги кунда черковнинг жамиятдаги таъсири бевосита мамлакат сиёсатига ҳам таъсир кўрсатади.

Германияда давлат диндан ажратилган ҳисобланади. Шунинг учун ҳам давлат органлари ўз фуқароларнинг динга бўлган муносабатини назорат қилиш ҳуқуқига эга эмаслар. Айтиш мумкинки, ҳозирда мамлакатда оқилона секуляр сиёсат олиб борилмоқда. Давлат ва черков ўртасидаги ўзаро муносабатлар асосида Асосий Қонун билан кафолатланган дин эркинлиги, давлатнинг черковдан ажратилганлиги ва диний бирлашмаларнинг ўзини ўзи идора қилиш ҳуқуқи ётади. Давлат ва дин ўртасидаги муносабатлари Германия Асосий Қонун ва бир қатор федерал қонунлар билан мустаҳкамлаб қўйилган.

¹ Президент Германии считает ислам частью страны, как и другие религии.// <http://www.rian.ru/world/20101003/281836717.html>

2.2. Германияда жамоат ташкилотлари фаолиятининг ўзига хос жиҳатлари

Жамоат ташкилоти бу - маълум бир қисм аҳолининг маълум бир мақсадини амалга ошириш учун уюшган бирлашма ҳисобланади.

Глобаллашув жараёни тез суратларда кечаётган ҳозирги даврда давлат ва жамоат ташкилотлари ўртасидаги муносабатлар энг долзарб шу билан бирга мураккаб масалалардан бири ҳисобланади. Ҳар бир давлат сиёсий тизимнинг муҳим элементлари бўлган сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлар, черковлар, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари, касаба уюшмалари, ёшлар ташкилотлари билан ҳар қандай масалани ҳал этиш юзасидан доимо ўзаро алоқада бўлади.

Сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари ва бирлашмалари аҳолига таъсир кўрсатадиган ҳамда тарбиявий аҳамиятга эга бўлган институтлар ҳисобланади. Улар фуқароларнинг сиёсий иродаларини ифода этишда ва намоён қилишда кўмаклашадилар ва бевосита сайловларда иштирок этадилар. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг жамоат ташкилотлари тузилишини Ўзбекистонда давлат ва жамоат қурилиши тамойилларига мос равишда янада такомиллаштириш, уларнинг ислохатлардаги ва умуммиллий масалаларни ҳал этишдаги; фуқароларнинг сиёсий, ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий фаолигини оширишдаги иштирокини кенгайтириш, тегишли ҳуқуқ нормаларини ишлаб чиқиш концепцияларини яратиш имкониятини беради¹.

Жамоат ташкилотларининг шаклланиши ва ривожланиш жараёнларини тадбиқ этиш ўз навбатида, фуқаролик жамиятининг муҳим таркибий қисми ҳисобланган мазкур институтнинг ҳуқуқий жиҳатларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Чунки жамоат ташклотлари ўз фаолиятини олиб боришда аввало унинг ҳуқуқий томонларига асосланган ҳолда юритади.

¹ Каримов И.А. Кучли давлатдан кучли жамият сари. – Т.: Шарқ, 1998. – Б. 104.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, ўз олдига эркин, демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантиришни мақсад қилиб қўйди. Маскур мақсадга эришиш жараёнида босқичма-босқич фуқаролик жамиятининг таркибий институтларини хусусан, унинг муҳим бўғини ҳисобланган жамоат ташкилотларини жамият ҳаётидаги ўрни ва ролини мустаҳкамлаш ва ошириш борасида туб ислохотлар амалга оширилиб келинмоқда.

Айниқса ушбу институтларнинг ҳуқуқий асосларини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг VIII ва XIII боблари жамоат бирлашмалари фаолиятининг конституциявий асосларига бағишланган бўлиб, унда ушбу ташкилотларнинг турлари, фаолият кўрсатиш тартиби, уларнинг давлат ҳокимияти органлари ва мансабдор шахсларидан мустақиллиги каби тамойиллар мустаҳкамлаб қўйилган.

Шунингдек, жамоат ташкилотларининг ҳуқуқий жиҳатлари бир қатор қонун ҳужжатларида янада ривожлантирилди. Хусусан, “Ўзбекистон Республикаси жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги, “Қасаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги, “нодавлат ношароит ташкилотлари тўғрисида”ги, “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги ва бошқалар шулар жумласидан.

Шу ўринда, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 56 моддасида Ўзбекистон Республикасида қонунда бегиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган қасаба уюшмалари, сиёсий партиялар, олимларнинг жамиятлари, хотин-қизлар, фахрийлар ва ёшлар ташкилотлари, ижодий уюшмалар, оммавий ҳаракатлар ва оммавий ҳақатлар ва фуқароларнинг бошқа уюшмалари жамоат бирлашмалари сифатида эътироф этилади¹. Демак, Маскур норматив – ҳуқуқий ҳужжатларда жамоат ташкилотлари фаолиятининг турли хил жиҳатлари муайян даражада ҳуқуқий мустаҳкамланган бўлсада, таъкидлаш жоизки, уларда жамоат

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – Б.11.

ташкiлотларининг тушунчаси ва турлари юзасидан ягона ёндашув мавжуд эмас.

Жамоат ташкiлотлари тўғрисида ўзбек олими Ҳ.Т. Одилқориевнинг фикрларини келтириб ўтиш жоизки: “Сўнгги йилларда жамоат ташкiлотларини нодавлат ташкiлотлар ёки ҳукуматга қарашли бўлмаган нотижорат ташкiлотлар тарзида таърифлаш расм бўла бошлади. Ҳукуматга қарашли бўлмаган нотижорат ташкiлотлар фаоллари ва хорижий экспертлар ўртасида ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкiлотларнинг мақоми унинг тузилишини ким молиявий таъминлаганлигига қандай боғлиқ бўлиши хусусида баҳс бормоқда. Ҳукуматга қарашли бўлмаган нотижорат ташкiлотларнинг аввало фуқаровий ва мустақил ташкiлотлар сифатидаги фаолитяти белгиланган ўрин тутди, деган фикрлар кўпроқ тарқалмоқда”¹.

Том маънодаги жамоат ташкiлотлари дастлаб, Ғарбий Европада (Франция) сийсий партия шаклида XVII асрнинг охири XVIII асрларда кенг ривожланди. Жамиятда жамоат ташкiлотларининг ўрни ҳақида сўз кетганда Т.Патронсинг сўзларини эслаш жоиз деб ўйлаймиз. Олим “ижтимоий тизимнинг барқарорлиги қоидалари”ни ишлаб чиқишга ҳаракат қилган. Унинг фикрича, ҳар қандай барқарор жамиятнинг ижтимоий тизимини ташкил этадиган элементлар фаолияти уйғун бўлиши шарт. Ана шу уйғунлик доимий барқарорлик омилидир. Бунда давлатнинг вазифаси жамиятнинг энг кичик бўғинлари бўлмиш жамоа ташкiлотлари, идоралари ва ўз-ўзини бошқариш органлари ўртасидаги мутаносибликни сақлаш ва мустаҳкамлашдан иборат². Ушбу фикрдан кўриниб турибдики, мамлакатда барқарорликни таъминлашда жамоат ташкiлотларининг ҳиссаси етарли даражада экан.

Умуман олганда, жамоат ташкiлотларининг асосий вазифаси фуқароларнинг манфаатларини ифода этади ва уларнинг федерал қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишдан иборат.

¹ Одилқориев Ҳ.Т. Конституция ва фуқаролик жамияти. – Т.: Шарқ, 2002. – Б. 183-184.

² Ўзбекистонда сийсий ислохотлар жараёни./ Муал.гурӯҳи. С.А.Жўраев ва бош. – Т.: Akademiya, 2011. – Б.280.

Бугунги кунда ГФР сиёсий тизимида ҳам жамоат ташкилотларининг ўрни катта аҳамиятга эга. Бундай ташкилотлар бевосита оддий фуқароларнинг манфаатларини ҳимоя қилади.

Ҳозирда нафақат Германия Федератив Республикасида, балки бутун дунёда жамоат ташкилотларининг муҳим таркибий бўғинларидан бир бу – сиёсий партиялар ҳисобланади. Германия сиёсий жараёнларида сиёсий партияларнинг ўрни бекиёс ҳисобланади. Шунингдек, Германияда сиёсий партияларнинг фаолият ҳуқуқий жиҳатдан 1949 йил 23 майда қабул қилинган Асосий қонуннинг 21 моддаси¹ ҳамда 1967 йил 21 июлда қабул қилинган ва 1994 йилда унга ўзгартиришлар киритилган 41 моддадан иборат “сиёсий партиялар тўғрисида”ги қонун² билан белгилаб қўйилган.

Ҳозирда ГФРда 71 та сиёсий партиялар мавжуд бўлсада, аммо сиёсий ҳокимият учун асосан иттифоқдош ҳисобланган Германия христиан – демократик иттифоқи ва Христиан – социал иттифоқи партиялари, Германия социал-демократик партияси, Германия озод демократик партияси, Яшиллар партияси (экологик) ҳамда Сўллар партияси каби партиялар ўртасида кечмоқда.³ Қолган кичик партиялар бошқа партиялар билан иттифоқлар тузиш орқали федерал ўлкалардаги парламентларда ўз аъзоларига эга бўлишлари мумкин.

Сиёсий ҳаётда асосий ролни бир – бири билан рақобатлашаётган сиёсий партиялар ўйнайди. Шунинг учун ҳам Германиядаги мавжуд демократик тузумни кўпинча партиявий демократия деб ҳам аташади. Сиёсий партиялар мустақил бўлиб сиёсий ҳаётда фаол иштирок этадилар ҳамда давлат ва халқ ўртасида боғловчи вазифасини бажарадилар⁴.

Кўпчилик партияларнинг хорижий мамлакатлар, халқаро ташкилотлар ва фуқаролардан молиявий ёрдам олиши тақиқланади. Баъзилар бу каби

¹ Grundgesetz für die Bundesrepublik Deutschland (23.05.1949). Article 21. // <http://www.gesetze-im-internet.de/bundesrecht/gg/gesamt.pdf>

² Act on Political Parties (Political Parties Act) (Parteiengesetz – PartG) [of 24 July 1967]. // http://www.bundestag.de/htdocs_edocuments/legalpoliticalparties.pdf

³ Германия факты. – Франкфурт-на-Майни.: Societates-Verlag, 2008. – S. 54-55.

⁴ Новиков А.А. Внешняя политика ФРГ от Аденауэра до Шрёдера. - М.: ЗАО «Московские учебники - СидиПресс», 2005. – С.110.

ёрдамларни бошқа давлатнинг ички ишларига аралашш, деб тушунилади. Лекин кўпчилик давлатларда бу каби молиялаштиришга маълум шароитлар ва чеклашлар қўлланилган ҳолда йўл қўйилади. Масалан, Германияда 1967 йилдаги (1994 йилда таҳрир этилган) қонунга мувофиқ, партияларга хорижий фуқаролар минг маркадан ортиқ бўлмаган миқдорда хайрия ёки ёрдам маблағи берилиши мумкин¹. Шу ўринда эътироф этиб ўтиш керакки, партиялар парламентда жой эгаллаганми ёки эгалламаганми, ундан қатъи назар сайловларда иштирок этган барча партиялар давлат томонидан молиялаштирилади².

Шу сабабли Германияда сиёсий партияларнинг юксалиши ва уларнинг давлат ва жамият ўртасидаги муносабатларини таъминлашдаги ўрнининг юксалиб бораётганлигига асосий сабаблардан бири сифатида сиёсий партияларнинг давлат ҳокимиятини шакллантиришдаги ўрни билан изоҳланади. Германияда сиёсий партияларнинг давлат муҳим сиёсий қарорларини қабул қилишдаги ўрнини оширишдаги асосий мақсад давлат тараққиётида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш, давлат сиёсатини халқ иродаси асосида юритиш амалиётини ўрганиш, қабул қилиниётган қонунларда аҳоли умумманфаатларини кенгроқ ифодалашга эришиш, жамиятдаги ижтимоий қатлам ва гуруҳларнинг манфаатларини мувофиқлаштириш, аҳолининг сиёсий онг ва маданиятини юксалтиришдир.

Яна бир хусусияти Германиядаги партияларнинг мамлакатда федерал сайловларда сайловчиларнинг 0,5 фоизидан кўп, ўлкаларга (яъни федератив субъектларига) бўлган сайловларда эса 1 фоиздан кўп, сайлов округларида эса 10 фоиздан кўп овозни олган барча партиялар давлат субсидаларини олиш ҳуқуқига эгадирлар³.

¹ Қирғизбоев М. Демократик кўппартиявийлик ва парламентаризм тамойилларини ривожлантириш масалалари. – Б. 210./ Узбекистан на пути к гражданскому обществу – Ўзбекистон: фуқаролик жамияти сари: конференция материаллари.// Отв.ред.: Р.Алимов. – Т.: Шарқ, 2003. – 304 б.

² Қирғизбоев М. Жамоат ташкилотларини молиялаштириш. Хорижий сиёсий партияларнинг манбалари.// Миллий тикланиш. 2002, №7-8. – Б.2.

³ Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: генезиси, шаклланиши ва ривожланиши. – Т.: Ўзбекистон, 2010. – Б. 72.

Германиядаги жамоат ташкилотларининг яна бир муҳим институтларидан бир бу маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари ҳисобланди. ГФРда маҳаллий ўз ўзини бошқаришнинг тўртта асосий модели бор. Булардан бири Жанубий Германия модели (Бавария)дир. Унинг вакиллик органи – жамоа кенгаши, ижро ҳокимиятини бургомистр амалга оширади, асосий рол кенгашга тегишли ҳисобланади. Аҳоли ҳам кенгашни, ҳам бургомистрни сайлайди. Шимолий Германия моделига (Қўйи Саксония) кўра вакиллик органи (кенгаш) жамоа деректорини сайлайди ва ҳал қилувчи вазифани бажаради. Кенгаш бургомистр модели (Пфальц, Саар)да вакиллик органи бўлиб аҳоли томонидан сайланади, бургомистрни вакиллик органи сайлайди, муҳим вазифаларни бургомистр ҳал қилади. Кенгаш – магистратура (Гессен, Гамбург) моделида вакиллик органини аҳоли сайлайди. Кенгаш ижро ҳокимияти бўлган магистратурани сайлайди. Бургомистр фақат ижро ҳокимияти бўлган магистратурани сайлайди. Бургомистр фақат жорий ишлар билан шуғулланади, муҳим масалалар маслаҳатлашган ҳолда ҳал қилинади.¹

Шу билан бирга, жамоат ташкилотларининг бошқа давлатлардан фарқли томонларидан бири бугунги кунда Германияда коммунал ўзини ўзи бошқариш азалий анъаналарга эга. У фуқаролар эркинликларини ифода этади ва ўрта асрларнинг эркин шаҳарлари эга бўлган имтиёзларга бориб тақалади. Германиянинг Асосий Қонуни бу анъанани давом эттириб келмоқда. Хусусан, 9 моддага кўра, барча немис фуқаролари иттифоқлар ва жамоалар ташкил этиш ҳуқуқига эга. Шунингдек, ушбу модданинг иккинчи қисмига мувофиқ Конституциявий тузумга ёки халқлар ўртасида ўзаро бир-бирини тушуниш ғояларга қарши йўналтирилган ёки бўлмаса жиноят қонунларига зид ҳисобланган мақсад ва фаолият билан шуғулланувчи бирлашмалар тақиқланади. Унда шаҳарлар, жамоалар ва округларда коммунал, ўзини ўзи

¹ Германия Федератив Республикасининг Асосий Қонуни. Grundgesetz für die Bundesrepublik Deutschland. Основная закон Федеративной Республики Германии./ Мас.мух. А.Х.Саидов ва Р. Крумм. – Т.: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази, 2005. – Б. 32-33.

бошқариш бевосита кафолатланади¹. Демак, бундан хулоса қилиш мумкинки, улар маҳаллий даражадаги барча ишларни мавжуд қонунлар доирасида мустақил ҳал қилиш ҳуқуқига эга. Барча шаҳар, жамоа ва округлар демократик тузулмалардан ташкил топиши керак экан.

Бугунги кунда дунёда 50 дан ортиқ христиан-демократик партиялар фаолият кўрсатмоқда. Улар асосан Германияда, Италияда, Белгия каби давлатларда сиёсий ҳаётга таъсир этиш кучига эга. Шу ўринда яна бир жиҳатга эътибор қаратиш керак, яъни Германияда узок вақт давомида христиан-демократик партия ҳокимиятда туриб келмоқда.

Бугунги кунда сиёсий партиялардан ташқари Германияда бир қатор уюшмалар ва бирлашмалар фаолият кўрсатиб келмоқда. Масалан, немис саноатчиларининг Федерал уюшмаси мамлакат иқтисодий сиёсатда муҳим рол ўйнаб келмоқда. Шунингдек, тадбиркорларнинг бошқа бир ишчилар уюшмалари ва савдо-саноат палатаси каби бирлашмалари ҳам мавжуд. Улардан бир жамоат бирлашмалари тўғрисидаги махсус қонун асосида ҳаракат қилса, бошқалари жамоат бирлашмалари эркинлиги тўғрисидаги федерал қонуннинг умумий қоидалари асосида фаолият юритмоқда².

Бундан ташқари, деҳқонларнинг ижтимоий-иқтисодий ташкилотлари хусусан, умум давлат миқёсидагилар ҳам мавжуд. Бироқ, сиёсий ҳаётда уларнинг ўрни катта эмас. Кўп тармоқли оммавий ахборот воситалари мамлакат сиёсатига катта таъсир кўрсатиб келмоқда. Мисол учун, кундалик чиқаётган газеталар сони 400 дан ортиқни ташкил этади. Германияда оммавий ахборот воситалари етарли даражада давлат томонидан назорат остига олинган³.

Жамоат ташкилотларининг энг омавий шаклларида бири ҳисобланган касаба уюшмалари жамиятнинг ижтимоий тараққиётига сезиларли даражада

¹ Grundgesetz für die Bundesrepublik Deutschland (23.05.1949). Article 9 (1,2).// <http://www.gesetze-im-internet.de/bundesrecht/gg/gesamt.pdf>

² Правовое регулирование общественных объединений // <http://evcppk.ru/konstitucionnoe-pravo-zarubezhnyx-stran/2976-pravovoe-regulirovanie-obshhestvennyx-obedinenij.html>

³ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Т.: Давлат илмий нашриёти. – Б.179.

таъсир ўтказди. Касаба уюшма - бир хил касба фаолият кўрсатувчи кишилар уюшмаси.

Касаба уюшмаларининг асосий вазифалари сифатида қўйидагиларни келтириб ўтиш мумкин:¹

- Ташкилий ёки ижтимоий фаолиятни ташкил этиш;
- Ижтимоий-меҳнат шaroитларини тартибга солиш;
- Фуқароларни ҳимоя қилиш ва назорат қилиш вазифалари шулар жумласидандир.

Касаба уюшмалари фаолиятига меҳнат низоларини ҳал этиш, ижтимоий ҳамкорликни йўлга қўйиш, меҳнат шартномаларини тузиш жараёнларини олиб бориш, оммавий ҳаракатларни ўтказиш, касаба уюшмаларига аъзоликларни таъминлаш, халқаро шартнома ва алоқаларни амалга ошириш каби фаолиятларни қўйиш мумкин.

Немис касаба уюшмалари иттифоқи 1949 йилда тузилган. Германия бирлашганидан сўнг собиқ ГДРдаги касаба уюшмалари унга қўшилди. Ушбу касаба уюшмаси Халқаро эркин касаба уюшмалари конфедерацияси ва Европа касаба уюшмалари конфедерациясига киради.²

Германияда немис касаба уюшмалар бирлашмаси деб аталадиган ягона касаба уюшмаси маркази мавжуд. Унчалик даражада сезиларли бўлмаса ҳам Германияда касаба уюшмаларининг роли камайиб бормоқда³. Бунинг ўрнига аниқ муаммоларни жумладан, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ишсизлар муаммоси кабиларни ҳал этиш учун турли туман маҳаллий фуқароларнинг ташаббускор гуруҳлари тез суратларда ривожланиб кетмоқда. Баъзан федерал ўлкаларда ўрин олаётган сайловчиларнинг мустақил бирлашмалари ҳам ташкил этилмоқда⁴.

¹ Dimitrov, G. The Tasks of the Trade Unions. // <http://www.marxists.org/reference/archive/dimitrov/works/1920/tasks.htm>

² Trade Union. // <http://www.eurofound.europa.eu/emire/GERMANY/TRADEUNION-DE.htm>

³ Новиков А.А. Германия в современной Европе / Учебное пособие. ДА МИД РФ. – М.: Научная книга, 2005. – С. 12.

⁴ Правовое регулирование общественных объединений. // <http://evcppk.ru/konstitucionnoe-pravo-zarubezhnyx-stran/2976-pravovoe-regulirovanie-obshhestvennyx-obedinenij.html>

Шу билан бирга, 1993 йилда янги ташкилот - Германия инсонпарварлик Иттифоқи (Humanistischer Verband Deutschlands) юзага келди ва аҳолига турли хил; ижтимоий меҳнат хизматлари, мактабгача бўлган болалар муассасалаари, мактабларда эстетика ва этика курслари, ёшлар байрамларини ўтказиш, секуляр дафн маросимлари, кекса фуқаролар учун учрашув кечалари, ҳаётга бўлган интилишни қўллаб-қувватлаш марказлари ва шу каби хизматларни таклиф қиларди. Бундан ташқари, Иттифоқ атеизмнинг назарий ва сиёсий ғояларини либерал ва социал-демократик ғоялар билан боғлашга ҳаракат қиларди. Бу ташаббус Берлин ва Германиянинг бошқа шаҳарларида амалга оширилмоқда ва бугунги кунда Иттифоқнинг 10 мингга яқин аъзоси бор¹.

Федерал конституциявий суднинг яқинда чиққан қарорида таъкидланганидек ҳукумат бутунлай диний жамоалар ва уларнинг аъзолари нима қилаётганлиги ва хаттоки агар уларнинг ҳаракатлари диний сабаблар асосида бўладиган бўлса ҳам эътиборсиз қолдириш мажбуриятини олмаганлар. Бундан ташқари, раҳбарият бир қанча диний жамоалар тўғрисида маълумотларни жамият манфаатларига дахлдор деб ҳисобласа уларни жамоатчиликка етказиш ҳуқуқига эга. Бу олий немис суди талқинига мувофиқ конституциявий қонун ҳисобланади².

Хулоса қиладиган бўлсак, жамоат ташкилотлари фуқаролик жамиятини ривожлантиришда муҳим ўтин тутди. Бундан ташқари, жамоат ташкилотларининг жамоатчилик фикрини шакллантириш ва ифода этиш орқали давлат органларини жамият манфаатларига мос қиладиган қарорлар қабул қилишга ундайдиган восита сифатида фаолият олиб бормоқда.

Германиядаги жамоат ташкилотларининг фаолиятини ўрганиш натижаси шу нарсани кўрсатмоқдаки, давлат ва жамоат ташкилотларининг ўзаро муносабатларида жамиятда демократик тамойилларнинг амалга ошуви, вазифаларни амалга оширишда ҳамжиҳатлик тамойили, фуқароларнинг

¹ Susanne Kolb, Petra Rosgen. The culture of European History in the 21st century. – Bonn. Haus der Geschichte der Bundesrepublik Deutschland. 1999. – P. 148.

² Гильбертом Seiwert. Свобода и контроль в объединенной Германии: государственные подходы к альтернативных религий с 1989 года.// http://findarticles.com/p/articles/mi_m0SOR/is_3_64/ai_109568884/pg_4/

иждий ташаббуси ва ёрдам асосида қурилган халқ оммасининг иродасини ифодалайдиган давлат ва нодавлат бирлашмаларнинг вужудга келиши ўз аксини топмоқда.

Давлат ва касаба уюшмаларининг ўзаро муносаббатлари жамоат ташкилотлари каби давлатнинг раҳбарлигисиз шаклланади. Аммо жамоат ташкилотлари ҳам касаба уюшмалари ҳам ўз вазифаларини ҳал этишда давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлиги талаб этилади.

Давлат ва жамоат институтларининг ҳамжиҳатлилиги ва бирлигининг мустаҳкамланиши ва ривожланиши демократиянинг қай даражада ривож топганлиги, давлат ва жамоат ишларини бошқаришда жамият аъзоларининг барчасининг фаол иштироки қай даражада таъминланганлигидан далолат беради.

Германияда ҳар бир сиёсий партия мустақил сиёсий институт сифатида ўз ижтимоий базаси бўлган ижтимоий табақаларга, ўз манфаатлари, дунёқараш асосида ҳаракат дастурларига эга бўлиши сиёсий плюрализмни шакллантириб, турлича қарашлар рақобати асосида фуқаролик жамияти шаклланиши учун замин тайёрламоқда.

Шу билан бирга ГФРдаги федерал ўлкалардаги сайловлардан тортиб парламентгача бўлган сайловларда жамоат ташкилотларининг роли кенгайиб бормоқда. Бундан ташри мазкур институтларнинг фаолият юритишни таъминлайдиган ҳуқуқий асос ҳам яратилдаган.

2.3. Германиянинг диний фундаментализмга қарши кураш сиёсати

Ҳозирги даврда халқаро терроризм, экстремизм ва фундаментализмга қарши кураш жаҳондаги барча мамлакатларни бирлаштирувчи омил сифатида намоён бўлмоқда. Бироқ, дунё ҳамжамияти томонидан амалга оширилаётган тадбирларга қарамасдан, халқаро терроризм ва фундаментализм марказлари бутун дунё миқёсида сақланиб қолмоқда. Бинобарин, жаҳоннинг бошқа давлатлари қаторида Ўзбекистон Республикаси

ҳам бу ёвуз кучларга қарши саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлаб келмоқдалар.

Президентимиз таъкидлаб ўтганларидек, “Ўзбекистон экстремизмни, террорчиликни, ҳар қандай кўринишдаги диний фанатизм ва ақидапарастликни қатъиян қоралайди. Биз можарони сиёсий воситалар ёрдамида тинч йўл билан ҳал қилиш, бир-бирига қарши курашувчи томонлар ўртасида музокаралар олиб бориш, мустақил давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик тарафдоримиз”¹. Шу сабабли ҳам мамлакатимизнинг дунё миқёсида ва минтақа даражасида тинчлик ва барқарорликни таъминлашга қаратилган ташаббуслари, биринчи галда замонавий таҳдидларга қарши тура оладиган ҳамда амалда ишлайдиган халқаро институт ва механизмларни шакллантиришни кўзда тутди². Ҳозирда Ўзбекистон бу таҳдидларга қарши кураши мақсадида дунё ҳамжамияти билан мустаҳкам алоқаларни йўлга қўйиб бормоқда. Масалан, 1999 йилдаёқ ЕХХТнинг Истамбулдаги саммитида сўзлаган нутқида Президентимиз Ислом Каримов БМТ тузилмаси доирасида халқаро терроризмга қарши курашиш Халқаро марказини ташкил этиш таклифини илгари сурган эди. Кейинроқ бу таклиф 2000 йилнинг 7-8 сентябрида Нью-Йоркда бўлиб ўтган БМТнинг мингйиллик саммитида ҳам янграган эди³.

Бундан ташқари, Ўзбектистон терроризмнинг барча кўринишлари ва унинг манбаларига қарши курашишга оид БМТнинг барча ҳужжатларини, жумладан, 11 та конвенция ҳамда иккита протоколни имзолаган бер неча давлатлардан биридир⁴.

Бевосита Германиянинг диний фундаментализмга қарши кураш сиёсатини таҳлил қилишдан олдин ушбу тушунчанинг мазмуни кўриб чиқсак мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз.

¹ Каримов И.А. Биздан озод ва обод ватан қолсин. – Т.2. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – Б. 53.

² Жураев С.А., Касимова Н.А. Актуальные вопросы современных международных отношений. – Т.: Akademiya. 2008. – С. 188.

³ Жўраев С. Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсати ва дипломатияси (ўқув қўлланма). – Т.: Akademiya, 2007. – Б. 124-125.

⁴ Ўша ерда. – Б. 125.

Демак, фундаментализм атамаси илк бор расмий равишда 1908 йилда АҚШнинг Калифорния штати протестантлари тузган “Христиан дининг фундаментал тушунчалари конференцияси” томонидан қўлланилган.¹ “Фундаментализм” сўзи лотинчадан келиб чиққан бўлиб, “асос” ёки “пойдевор” маъносини англатади. Фундаментализм барча динларга хос бўлиб, диннинг асли қандай бўлса уни шундайлигича сақлаб қолишга ҳаракат қилади. Бироқ, бугунги кунда оммавий ахборот воситаларида “фундаментализм” атамаси кўпроқ тажовузкор маънода ишлатилмоқда. Ҳолбуки “фундаментализм” тушунчасига сиёсий маъно бериб, уни “терроризм” ва “экстремизм” тушунчалари билан бир қаторда қўйиш ҳозирги пайтда дунё сиёсий сахнасида ўз гегимонлигини ўрнатишга даъвогарлик қилаётган айрим давлатларнинг дунё жамоатчилигини “ислом хавфи” билан кўрқитиш, “ислом дини тажовузкор дин” деган тасаввурни туғдириш орқали улар эътиборини ижтимоий муаммолардан чалғитиш борасидаги манфаатларига хизмат қилади².

Диний фундаментализм, терроризм ва экстремизмга қарши кураш ҳар бир давлат ташқи сиёсатининг устувор йўналишларидан бир бўлиб қолмоқда. Муайян сиёсий мақсадларда террор воситалардан фойдаланиш халқаро гуманитар ҳуқуқ нормаларига тамомила зиддир. БМТ Низомининг 51 моддасига биноан муайян мақсадларга зўравонлик, террор воситасида эришишга уриниш – жиноятчиликнинг алоҳида кўриниши деб баҳоланади³.

Битирув малакавий ишнинг ушбу парагрифида Германиянинг терроризм, фундаментализмга қарши кураш соҳасидаги сиёсатининг ва унинг ушбу соҳада халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлигининг ўзига хос жиҳатларига эътибор қаратилди.

Таъкидлаш лозимки, Германиянинг Европа марказидаги геостратегик жойлашуви, унинг сиёсий нуфузи ва иқтисодий куч-қудрати Европа

¹ Халқаро муносабатлар (геосиёсат, дипломатия, хавфсизлик). – Т.: Академия, 2006. – Б. 101.

² Одилқориев Х.Т., Раззокова Д.Х. Сиёсатшунослик: Дарслик. –Т.Ўқитувчи, 2008. –Б.305-306.

³ Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Низоми. – Т.: БМТнинг Ўзбекистондаги ахборот маркази, 2002. – Б.24.

минтақасида хавфсизлик архитектурасини шаклланишида Германиянинг муҳим рол уйнашига сабаб бўлмоқда. Кўпгина Европа давлатларидан фарқли равишда Германия Федератив Республикаси анча эрта терроризм билан туқнаш келди, терроризмга қарши кураш соҳасида катта йўлни босиб ўтди ҳамда бу борада Германияни халқаро майдондаги унинг нуфузини кўтарадиган жиддий воситаларни йўғишга муваффақ бўлди. Шу нуқтаи назардан қараганда халқаро терроризмга қарши курашишида Германия амалиётини ўрганиш ва таҳлил қилишнинг аҳамияти ошиб бормоқда.

Германиянинг терроризм билан курашиш сиёсати ўтган асрнинг 70 йилларига бориб тақалади¹. Шундан келиб чиқиб айтганда, ГФРда ички ва халқаро терроризмга қарши кураш сиёсати 40 йилда ортиқ даврни ўз ичига олади ва ўз навбатида, буни ҳақли равишда икки даврга ажратишимиз мумкин:²

- Биринчи даври 1968-1998 йилларни
- Иккинчи даври 1998 йил – ҳозирги замон.

Биринчи давр асосан Германияда Қизил армия фракциясининг сўл қанот ҳисобланган экстремистик террористик гуруҳлар билан Федерал ҳукуматнинг кураш ва 1998 йилда ушбу гуруҳ ўзини ўз тарқатиб юборишигача бўлган вақтни ўз ичига олади³. Бу мамлакатдаги энг фаол ва нуфузли террорчилик ташкилоти ҳисобланган. Оқибатда федерал ҳукумат тезкор чоралар кўришга мажбур бўлди. 1972 йилда Германияда махсус аксилтеррор бўлинма ташкил этилди. Кейинчалик 1986 йилда “терроризмга қарши кураши тўғрисида”ги биринчи қонун ва яна бир “иқтисодий жиноятчиликка қарши курашиш тўғрисида”ги қонун қабул қилинди⁴. Ушбу қонунлар Германиянинг терроризмга қарши кураши бопасидаги сиёсати учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилди.

¹ Francis T. Miko, Christian Froehlich. Germany's Role in Fighting Terrorism: Implications for U.S. Policy.// <http://www.fas.org/irp/crs/RL32710.pdf>

² Павлова В.Н. ФРГ: опыт и стратегия борьбы с международным терроризмом // Мировая экономика и международные отношения. - 2007. - №9. – С.36.

³ Sebastian Bukow. Internal security and the fight against terrorism in Germany.// <http://edoc.hu-berlin.de/oa/conferences/reZgVweZSLueU/PDF/27QE0to3iuZCs.pdf>

⁴ Ватлин А.Ю. Германия в XX веке. М., 2002. – С. 138.

Иккинчи давр биринчидан фарқли ўлароқ икки тизимга терроризмнинг исломлашуви ва халқаро аҳамият касб этишига қарши кураш билан характерланади. Шунингдек, бу босқични шартли равишда икки босқичга ажратишимиз. Демак, биринчи босқич 1998 – 2005 йилларни ўз ичига олган “Қизиллар-яшиллар” ҳукумати ва иккинчи босқич 2005 йилдан то ҳозиргача давом этиб келаётган “Катта коалиция” федерал ҳукумати даврини ўз ичига олади.

Шуни унутмаслик жоизки, 2001 йил 11 сентябр воқеалари ГФРнинг аксилтеррор фаолиятидаги алоҳида давр бўлиб кирди. Ички сиёсатда турли хил аксилтеррор чора-тадбирларни қабул қилиш бўйича ва хавфсизлик тизимини ислоҳ қилиш борасидаги ишлар фаоллаштирилди. Ташқи сиёсатда эса халқаро майдонда Германиянинг фаолиятларида хавфсизлик соҳасида халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга йўналтирилган жиддий ўзгаришлар содир бўлди.

2001-2008 йилларда ГФРда қатор терроризмга қарши кураш тўғрисидаги қонунлар қабул қилинди. Хусусан, 2006 йил 1 декабрда Бундестаг “умумий аксилтеррор маълумотлар базаси тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилиниши учун овоз беришди. Бу қонун ягона аксилтеррор банк маълумотларини яратиш учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат филади. “фуқаролик паспортлари тўғрисида”ги, “терроризмга қариш кураш тўғрисидаги қонунга қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонунлар қабул қилинди¹. Ушбу қонунларнинг қабул қилиниши терроризмга қарши курашишда давлатнинг заифлигидан далолат беради.

2005 йилда ХДИ/ХСИ-ГСДП партияларидан иборат коалициянинг ҳукумат тепасига келиши билан аксилтеррор чора-тадбирларни кучайтириш тенденцияси кўзатилмоқда. Фикримизнинг тасдиғи сифатида “терроризмга қарши кураш тўғрисида”ги қонунга қўшимчалар киритиш беш йилга узайтирилиши, умумий аксилтеррор маълумотлар базасининг ташкил

¹ ФРГ: опыт и стратегия борьбы с международным терроризмом.// <http://finanal.ru/009/frg-opyt-i-strategiya-borby-s-mezhdunarodnym-terrorizmom?page=0,4>

этилиши ва Германия махсус хизматининг ваколатларининг кенгайтирилиши келтириб ўтишимиз мумкин. Бундан ташқари, ҳукуматнинг янги қонун лойиҳалари мисол учун, “кибертеррозм билан курашиш учун “онлайн-кидирув” деб номланган” қонун, ҳуқуқ тартибот органлари ҳодимларига миллионлаб расмларга ва қўл изларига кириш имконини берадиган “паспортлар тўғрисида”ги қонунга ўзгартиришлар кириш таклифи ва шу кабиларни келтириб ўтишимиз мумкин¹. Ўз навбатида, бундай чоратадбирларга қарамасдан Федерал ҳукумат ичида айнан шу масалал юзасидан келишмовчилик кетмоқда. Шубҳасиз бу нарса ГФР амалдаги ҳукуматининг заифдашувиға олиб келиши мумкин.

Шу билан бирга, 2006 йил 24 октябрда Федерал ҳукумат томонидан Бундесвернинг Оқ китоби қабул қилинди. Ушбу ҳужжатда ҳам биринчи навбатда, халқаро терроризм хавфсизлик ва эркинлик учун асосий таҳдид эканлиги ва оммавий қирғин қуроллариининг тарқалиши ва уларнинг етказиб берилиши Германиянинг хавфсизлигига катта таҳдид солаётганлиги кўрсатиб ўтилган².

Энди, ГФРнинг халқаро майдонда терроризмга қарши курашиш соҳасидаги ҳамкорлик сиёсатининг ўзига хос жиҳатларини кўриб чиқсак. Маълумки, бугунги кунда Германия НАТО, БМТ, ЕИ ва шу каби халқаро ташкилотлар доирасида халқаро ҳамжамиятнинг аксилтеррор фаолиятларида ўз ҳарбий қўшинлари билан қатнашиб келмоқда.

Германиянинг халқаро терроризмга қарши кураши соҳасидаги энг фаол ҳамкорларидан бир бу шубҳасиз НАТО ҳисобланди. Ушбу ташкилот доирасида дунёнинг турли минтақаларида немис ҳарбийлари аксилтеррор операцияларда иштирок этиб келмоқда.

Бизга маълумки, “Қизиллар-Яшиллар” коалицион ҳукумати ўз олдиға қўйган энг муҳим вазифалардан бири Трансатлантика ҳамкорлигининг қайта тиклаш бўлди. АҚШға қарши содир этилган 11 сентябр воқеаларидан сўнг

¹ Павлова В.Н. ФРГ: опыт и стратегия борьбы с международным терроризмом // Мировая экономика и международные отношения. - 2007. - №9. - С. 32

² German government publishes white paper on security policy.// <http://www.bundesregierung.de/nn6516/Content/EN/Artikel/2006/10/2006-10-25-bundesregierung-legt-sicherheitspolitisches-konzept-vor.html>

Германия НАТОнинг аъзоси сифатида янги халқаро жавобгарликни англаган ҳолда НАТОнинг терроризмга қарши кураш операцияларида иштирок этишни бошлади. Америка билан биргаликда Германиянинг биринчи халқаро терроризмга қарши курашда Афғонистондаги ва Африкадаги Горн бурнидаги “Мустаҳкам эркинлик” (“Enduring Freedom”) операцияси бўлди¹. Бундесвернинг чет элдаги иккинчи миссияси Афғонистонда хавфсизликка кўмаклашиш халқаро кучларида иштироки бўлди. Гарчи Федерал ҳукуматда аввало чет элдаги немис ҳарбий миссияларининг иштирок этиш шакли ва даражасига алоқадор келишмовчиликлар бўлишига қарамасдан, ушбу икки миссиянинг ваколати ҳар йили Бундестаг томонидан узайтириб келинмоқда. Халқаро терроризмга қарши кураши бўйича Бундесвер кучлари НАТОнинг бошқа бир “Фаол саъй-ҳаракатлар” (“Active Endeavour”)² ва “Бургут ёрдами” (“Eagle Assist”) номли операцияларида ҳам фаол қатнашиб келмоқда³.

Бундан ташқари, Бундесвернинг Яқин Шарқдаги биринчи миссияси ҳисобланган Лебанондаги БМТнинг вақтинчалик кучлари (UNIFIL), “Бонн келишуви” 2001 йил 20 декабрда БМТнинг Хавфсизлик Кенгаши томонидан ташкил этилган Халқаро хавфсизликка кўмаклашувчи кучлар (ISAF) учун асос бўлиб хизмат қилди. Натижада Бундесвер ҳамрбийлари Афғонистон шимолига жойлаштирилди, 1999 йил 10 июнда БМТнинг Хавфсизлик Кенгашининг 1244 резолюцияси билан Косова кучлари (KFOR) ташкил этилди. Косова кучлари маҳаллий ҳукумат билан яқиндан ишлаб келмоқда. 1999 йи 12 июндан Бундесвер кучлари Косовага жойлаштирилди ҳамда Бундесвер кучлари Грузия, Эфиопия, Эретрия, Судан давлатлари БМТ ташкилоти бошчилигидаги аксилтеррор миссияларида фаол иштирок этиб келмоқда⁴.

¹ Carrying on the fight against terrorism.// <http://www.bundesregierung.de/Content/EN/Artikel/2006/10/2006-10-25-kampf-gegen-den-terrorismus-fortsetzen.html>

² Operation Active Endeavour. http://www.afsouth.nato.int/JFCN_Operations/ActiveEndeavour/Endeavour.htm

³ Zdenek Kriz. German Involvement in the War against International Terrorism. End of Civilian Power?// Central European Political Studies Review. Vol. VIII, Number 2-3, P.127-128

⁴ Bundeswehr foreign missions: An overview.// http://www.bundesregierung.de/nn_6516/Content/EN/Statische-Seiten/Schwerpunkte/Au_C3_9Fenpolitik/aussenpolitik-sicherheitspolitik-im-ueberblick-auslandseinsatz-der-bundeswehr.html

Шундай қилиб, 2001 йил 22 декабрда Бундестаг НАТОнинг ISAF операцияси таркибида немис қўшинларининг Афғонистонга юбориш борасида қарор қабул қилди. Бугунги кунда 4600 га яқин немис аскарлари Афғонистонда НАТО бошчилигидаги халқаро аксилтеррори коалиция таркибида терроризмга қарши курашда фаол иштирок этиб келмоқда¹. Бундан ташқари, Германия ҳукумати 2011 йил 23 февралда Афғонистонга қўшимча 300 та солдат жўнатиш ўғрисидаги қарорни қабул қилди².

Шунингдек, амалда Германия БМТга аъзо бўлган кирган биринчи кунданок хавфсизлик масалаларидаги БМТнинг кўпчилик қарорларининг қабул қилинишида бевосита иштирок этиб келмоқда. 2001 йил 11 сентябр воқеаларидан кейин Г.Шрёдер ҳукумати терроризмга қарши кураш соҳасида аъзо давлатларнинг самарали фаолиятини йўлга қўйишга йўналтирилган катор резолюциялар ва қарорларни қўллаб-қувватлаш ва БМТнинг халқаро терроризмга қарши кураши борасидаги мавқеини мустаҳкамлаш тарафдорларидан бири бўлди.

Германия халқаро терроризм борасидаги кенг қамровли конвенция устида ишларни тугатишда Бош Ассамблеянинг олтинчи қўмитасига фаол ёрдам кўрсатиб келмоқда. 2005 йилда ядро терроризми тўғрисидаги Конвенциянинг қабул қилинишида муҳим рол уйнади ва терроризмга қарши курашишга оид БМТнинг 13 та конвенциясини ратификация қилган³. Ҳозирда Бундесвернинг 250 га яқин ҳарбий хизматчилари бутун дунёда терроризмга қарши кураши бўйича “Мустаҳкам эркинлик” операцияси доирасида хизмат қилмоқда⁴. Эслатиб ўтамиз, ушбу операция Ўрта ер денгизида ва Африка бурнида амалга оширилмоқда.

2006 йилда А.Меркел бошчилигида Федерал ҳукумат тепасига келган “янги коалиция” бошқаруви даврида БМТнинг терроризмга қарши

¹ Бундесвер в Афганистане. По продолжительности пребывания силы НАТО превосходят Советскую Армию.// <http://www.rodon.org/polit-110121114227>

² Германия направит дополнительно 300 солдат в Афганистан для работы на самолетах-разведчиках.// <http://www.rg.ru/2011/03/23/germaniya-anons.html>

³ Германия и Организация Объединенных Наций./ Pub. by Federal Foreign Office – Berlin, Bonifatius GmbH. – С.28.

⁴ Ўша ерда. – С.29.

курашишни янги босқичга кўтариши керак бўлган Глобал аксилтеррор стратегия учун овоз бердилар. Шрёдера ҳукумати сингари Меркел ҳукумати ҳам халқаро хавфсизлик ва барқарорликнинг муҳим кафолати сифатида Германиянинг БМТдаги етакчи ўрин тутишини бир неча бор тасдиқладилар¹.

Бундан ташқари Германия Россия Федерацияси билан ҳам терроризмга қарши курашиш борасида ҳамкорлик қилиб келмоқда. Фикримизнинг исботи сифатида 2004 йилда икки давлат ўртасида имзоланган “халқро терроризмга қарши кураш тўғрисида”ги икки томонлама келишув ҳамда 2005 йил 22 апрелда Нижний Новгород шаҳрида имзоланган “Германия ва Россия ҳудудларида фаоляти юритаётган уюшган жиноятчиликка қарши кураш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида”ги Германия-Россия шартномасини келтириб ўтишимиз мумкин².

2001 йил 11 сентябр воқеалари жиддий сиёсий баҳсларнинг келиб чиқишига сабаб бўлди ҳамда халқаро терроризмга қарши курашиш борасидаги кечиктириб бўлмайдиган комплекс чора-тадбирларни такомиллаштириш билан уларни ҳаётга тадбиқ этишни талаб этди. Амалда 11 сентябр воқеаларидан кейин Германияда ҳам терроризмга қарши курашиш тўғрисида амалдаги қонуний ҳужжатларга ўзгартиришлар киритилди ҳамда янгилари ишлаб чиқилди ва ҳукумат томонидан тасдиқланди.

Янги мингйиллик бошларида ГФР ҳукумати томонидан терроризмга қарши кўрилган чора-тадбирларнинг мазмун моҳияти ва суръати жиддий ўзгаришларга учради. Мамлакат хавфсизлик тизимида ислохатлар чуқурлаштирилди. Давлатнинг ўз фуқаролари устидан назорати кучайтирилди. Шу ўринда Германия Федерал Канцлери Ангела Меркел яқинда Миср Александриясининг черковларидан бирида амалгам оширилган кўпоровчилик ҳаракатлари туфайли бутун жаҳонда диний эркинлик учун курашга чақирди. Германия БМТ Хавфсизлик Кенгаши аъзоси сифатида

¹ Speech by Federal Chancellor Angela Merkel at the American Academy celebrations marking the 60th anniversary of the Marshall Plan.// http://www.bundeskanzlerin.de/nn_704298/Content/EN/Reden/2007/11/2007-11-19-rede-merkel-american-academy.html

² Новиков А.А. Внешняя политика ФРГ от Аденауэра до Шрёдера. - М.: ЗАО Московские учебники – СидиПресс, 2005. – 367.

канслер ўз мурожатида “христиан ва бошқа дин вакиллари эркин ҳаёт учун курашишини қўллаб-қувватлаш лозимлигини” айтиб ўтди.¹ Бундан кўриниб турибдики, А. Меркел бутун дунёда дин эркинлиги учун курашга ҳамда бу соҳадаги халқаро ҳамкорликни кучайтиришга чақирмоқда.

Маълумки, сон жихатдан сўнг учинчи ўринда турувчи (католик ва протестантликдан сўнг) уюшмалардан бири бу ислом динининг суннийлик окими бўлиб, улар ГФРда 60 йиллардан бошлаб бўй кўрсата бошлашган турк гастарбайтерлари ва кейинчалик келиб чиқишлари Афғонистон, Эрон ва Шарқнинг бошқа мамлакатларидан бўлганлар ташкил қиларди. Бир қанча катта-катта мамлакатнинг ғарбий шаҳарларида (Кёln, Франкфурт ва бошқалар) ва Берлинда ҳам бутун бир мусулмон жамоалари пайдо бўла бошлади. Мамлакатда 2 мингдан зиёд масжид ва ибодат уйлари пайдо бўлди ҳамда уларнинг миқдори 3.2 млндан ошиқ бўлиб, уларнинг бошқа диний конфессиялар билан чиқишиб кетиши қийин бўлгани сабабли, давлат учун ижтимоий-сиёсий, маданий-психологик соҳаларда муаммолар келтириб чиқармоқда. Чунки ҳозирги пайтларда терроризм ва кенг маънода радикал-фундаментализмнинг бош кўтариши мамлакат хавфсизлик масаласида жиддий муаммоларни юзага келтирди. Статистика маълумотларига кўра, 30 мингга яқин ислом тарафдорлари радикал-жанговар йўналишга алоқадор бўлиши мумкин. Масжидларда гоҳ-гоҳида жаранглар бўлиб турадиган Германияда шариатга ва зўравонликка асосланган давлат қуришга бўлган даъватлар туфайли тегишли муассасалар томонидан масжид ва клублар устидан керакли назорат ўрнатишга тўғри келди².

Бунинг натижасида Германия ички сиёсатида ислом динига эркинликларни кенгайтирилмоқда. Германиянинг Тюбингер, Мюнстер ва Оснабрюк университетлари имомлар тайёрланадиган бўлди. Ҳозирча университетларда фақатгина ислом алоҳида курсларда ўргатилиб

¹ Ангела Меркель призвала к борьбе за религиозную свободу по всему миру.// <http://www.argumenti.ru/politics/2011/01/89798/>

² Иерусалимский В.П. Католическая и лютеранская церкви в Германии на пороге XXI в. // <http://www.rodon.org/relig?st=1540>

келинмоқда. Дастлабки, талабалар 2012 йилда қабул қилиш бошланади. Бугунги кунда имомларни ўқитиш дастурлари ишлаб чиқилмоқда. Reuters ахборот агентлигининг қайт этишича, АҚШдаги 11 сентябр воқеаларидан сўнг бир қатор Европа давлатларида маҳаллий университетларда имомларни ўқитиш тўғрисида бош қотирилиб келинмоқда. ГФР таълим вазири Аннета Шаваннинг сўзларига кўра, Германия ҳукумати мактабларда ислом дининг асосларини ўқитишни киришни режалаштирилмоқда. Таълим вазири бу нарсa мусулмон мигрантларни бирлаштиришга ёрдам беришини таъкидлаб ўтди¹.

Яқинда немис президенти Кристиан Вульф Германиянинг 20 йиллик бирлашувига бағишланган нутқида ислом немис маданиятида ўз ўрнини топганлигини маълум қилди². Шу билан биргаликда, А.Меркел ҳукумати ислом кўринишидаги терроризмнинг мамлакатда авж олиб кетмаслигига катта эътибор қаратишмоқда. Агарда террористик ташкилотлар Германиядаги мусулмонлар билан алоқа ўрнатишса мамлакатда жиддий ўзгаришларга олиб келиши мумкин. шунинг учун Германия ҳукумати мусулмон жамоалари билан ҳамкорликни ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда. Масалан, қатор ислом конференцияларининг ўтказилиш ёки бўлмасам, 2007 йилда Миллий интеррация дастурининг қабул қилиниши Германияда мусулмон аҳолиси билан Федерал ҳукумат ўртасидаги келишмовчиликларни йўқолишига сабаб бўлмоқда³.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги кунда дунё ҳамжамиятига хавф солиб турган терроризм, экстремизм ва диний фундаментализмга қарши кураши учун нафақат бир давлат балки дунё жаҳоннинг барча мамлакатларининг ўзаро ҳамкорлиги талаб этилмоқда. Террористик гуруҳларнинг Германия ҳудудида ўз фаолиятини бошлагандан 70 йиллардан бери ГФР бунга қарши ҳам мамлакат ичида ҳам халқаро майдонда терроризмга қарши кураш

¹ В немецких университетах будут готовить имамов.// http://infox.ru/authority/foreign/2010/10/14/Vnyemyecki_h_univyer.phtml

² Там же.

³ Погорельская С.В. Мусульмане в Германии: Специфика интеграции // Актуальные проблемы Европы. 2008. №1. – С. 152.

келмоқда. Ҳозирда Бундесвер кучлари жаҳоннинг турли минтақаларида терроризм, экстремизм, диний фундаментализмга қарши халқаро ташкилотлар хусусан НАТО, БМТ, ЕИ кабилар билан ўзаро ҳамкорликда аксилтеррор миссияларда иштирок этмоқда.

Мамлакат ичкарасида ҳам “терроризмга қарши кураши тўғрисида”ги, фуқаролик паспортлари тўғрисида”ги, умумий аксилтеррор маълумотлар базаси тўғрисида”ги каби катор қонунларнинг қабул қилиниши ГФРнинг бу уч ёзувликка қарши курашишда қонуний асос бўлди.

Шундай қилиб Федерал ҳукуматнинг терроризмга қарши кураш сиёсатининг асосий беш бандни келтириб ўтиш мумкин:

- 1) террористик тузулмаларни йўқ қилиш;
- 2) террористик таҳдидларни олидини олиш ва огоҳлантириш;
- 3) терроризм билан кураш соҳасида халқаро ҳамкорликни кенгайтириш;
- 4) мамлакат “заифлиги камайтириш” ва аҳолини ҳимоя қилиш”
- 5) терроризм сабаблари билан курашиш.

Бугунги глобаллашув жараёнлари тез суратларда кечаётган бир пайтда дунё давлатлари ўртасида дин омилининг аҳамият усиб бораётганлиги кўришимиз мумкин. Тадқиқот давомида шу нарсага гувоҳи бўлиндики, дин ва давлат ўртасидаги муносабатлар долзарб масалалардан бир бўлиб қолмоқда.

Бизга маълумки, секуляризм атамаси моҳиятига эътибор қаратадиган бўлсак ҳам, секуляризм – давлат ва жамиятни ҳар қандай турдаги диндан ва диний эътиқодлардан мустақил равишда фаолият юритиши лозим бўлган концепция ҳисобланади. Диннинг дунёвий ҳаёт тарзига мослашуви жараёнини ҳамда дин ва сиёсат ўртасидаги муносабатларнинг ўзига хос хусусиятларини белгилаш учун илмий адабиётларда “секуляризация” (“secular” лотинча сўз бўлиб “дунёвий” маъносини англади) атамаси кенг қўлланилиб келинмоқда

Дунё ривожланишининг бугунги шароитида босқичма-босқич асосан диний анъаналар билан тартибга солиб туриладиган бир жамиятдан диний нормалар асосида қурилмаган дунёвий жамиятга ўтиш жараёни сифатида секуляризми кўриш мумкин. Секуляризм ҳам сиёсий доктрина, ҳам глобализациянинг бир воситаси ҳисобланади.

Секуляризм давлатда диний ва тартибга солиб турувчи сиёсий институтлар, замонавий сиёсий дунё тузумининг ва дунёвий дунёқарашнинг шаклланиши доирасида Европада вужудга келди. Секуляризм Ренессанс даврида Европада вужудга келган концепция ҳисобланади. Ушбу концепцияга кўра, давлат ва жамият диндан ажралган ҳолда фаолият юритиши лозим. Дин шахсларнинг расм-русумлари билан кифояланиши керак ҳамда у давлат ва жамиятнинг ижтимоий ва сиёсий ишларига аралашмаслиги шарт. Умуман олганда, дин давлатдан айри ҳолда ҳамда ўз вазифаси доирасида фаолият юритиши жоиз. Чунки бугунги глобаллашув даврида жаҳон сиёсий майдонида давлатлараро ўзаро сиёсий, иқтисодий ва

ижтимоий-маданий муносабатларда дин омили кучайиб бораётганлигини сезиш қийин эмас. Шунинг қайт этиб ўтиш жоизки, секуляризм Европада пайдо бўлган дастлабки даврларда бир қатор черковнинг қаршилигига учради ҳамда уни ҳаётга тадбиқ этиш борасида қатор қарашлар шаклланди.

Секуляризм давлат ва жамиятда сиёсий соҳада ҳар хил кўринишдаги диний аралашувларни чеклайди. Қисқача қилиб айтганда, Европа жамиятида ўрта асрларда дин ўрнининг кучайиб кетиши оқибатида секуляризм жараёнинг тезлашувига сабаб бўлди. Чунки бу даврда жамиятда диннинг роли ниҳоятда кучайиб кетган эди. Ҳаттоки, Европа қуроллари ҳам черков олдида ҳисоб беришга ва унга маълум миқдорда ўлпон тўлашга мажбур қилинган эди. Бундан ташқари, черковнинг аҳолига нисбатан юкланган солиқлар ва мажбуриятлар ҳамда унинг жабр-зулмлари зўрайиб кетган эди. Ана шундай пайтда динни ислоҳ қилишга тўғри келиб қолди ва секуляризмнинг пайдо бўлишиги олиб келди.

Жаҳондаги мамлакатларда шаклланган ва шаклланаётган дунёвий, демократик давлат, унинг мустақиллиги ва келажаги кўп жиҳатдан давлат ва дин ўртасидаги муносабатларнинг такомиллашув даражасига боғлиқ. Зеро кўп миллатли ва кўп конфессияли давлат шароитида давлат ва дин муносабатларининг мувозанатини сақлаб турувчи сиёсат, яъни секуляр сиёсат доимо ҳаётий аҳамият кабс этади.

Секуляризм сиёсати нафақат давлат ва диннинг бир-бирларининг тшларига аралашмаслик нисбий мустақиллиги, балки ўзаро ҳамкорлик, айрим масалаларни ва муаммоларни ҳал қилишда, жамият тақдирини белгилашда ҳамжиҳатликда фаолият олиб бориши талаб этилади.

Европа давлатларида давлат ва диннинг ўзаро муносабатлари учта асосий модел доирасида қурилмоқда. Ушбу моделлар қўйидагилар: 1) расмий давлат диннинг белгиланиши; 2) давлат ва черков ўртасида конструктив ҳамкорликнинг ўрнатилганлиги; 3) давлат ва черковнинг қатъий ажратилганлиги.

Йирик капиталистик, демократик давлатларнинг Европа минтақасида вужудга кела бошлаши натижасида секуляризм ҳам бунга параллел равишда шакллана бошлади. Аста секинлик билан давлат ва черков ўртасидаги муносабатлар алоҳида эътибор қаратила бошланди. Шундай қилиб, Европада секуляризмнинг ривожланиши қўйидаги жиҳатларни камраб олади:

Биринчидан, Европа дин ва давлат муносабатлари узоқ тарихга эга бўлиб, асосий хусусияти шундан иборатки жамиятда ва давлат бошқаруви дастлаб дин (католик черкови)нинг таъсири назорати остида бўлганлигига қарамай, дастлабки дунёвий давлатлар шакллана бошлаган минтақа ҳисобланади.

Иккинчидан, Европада диннинг давлатдан ажралишига Уйғониш ва Реформация даврида давлат бошқаруви, жамиятда диннинг ўрни бораси шаклланган бир қатор назарий қарашлар кучли таъсир ўтказа бошлаган.

Учинчидан, бугунги кунда ҳам Европа давлатлари давлат ва дин муносабатларини тартибга солиш, диний бағрикенгликни шакллантириш, миграция оқибати Европа давлатларида турли дин вакиллари ўртасидаги тўқнашувларга йўл қўймаслик, ижтимоий кескинликни олдини олиш борасида самарали сиёсат юритаётганлигини кузатиш мумкин.

Ушбу битирув малакавий ишида асосан Германия Федератив Республикасидаги секуляризм сиёсатининг шаклланиши, дин ва давлат ўртасидаги муносабатлар, сиёсий жараёнларда диннинг роли, жамлат ташкилотлари фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда Германиянинг халқаро ташкилотлар доираси дунёнинг турли минтақалида Бундесвер кучларинг аксилтеррори операциялардаги иштироги таҳлил этилди.

Ушбу тадқиқот ишида қўйилган мақсад ва вазифалардан ҳамда унда кўриб чиқилган масалалар ўрганиш қўйидаги асосий хулосаларнинг шакллантириш имконини беради:

Биринчидан, секуляризм давлатдан динни ажратадиган, барча сиёсий ва ижтимоий вазифаларнинг дунёвий давлатга ўтишини таъминлайдиган сиёсий доктринадир. Бугунги кунда секуляризация жараёни икки хил

маъно ишлатилмоқда яъни бир томондан, уни глобализациянинг воситаси сифатида қаралмоқда, бошқа томондан, у бир вақтнинг ўзида “диннинг тикланиши” ёки “динга қайтиш” тенденцияларига қарама-қарши қўйилмоқда;

Иккинчидан, дунё ҳамжамияти ўз ривожланишида ва ҳар бир давлат ўз сиёсатини олиб бориш жараёнида секуляризм, диннинг сиёсийлашуви жараёнларини ҳисобга олиши керак. Бундан ташқари, ҳар бир давлат учта ҳуқуқий, маданий ва ижтимоий-сиёсий йўналишлардан унумли фойдаланиш лозим;

Учинчидан, охириги ўн йиллик бутун дунёда йилда-йилга диний эътиқод эркинлиги ва виждон эркинлиги ҳуқуқининг усиб бораётганлигини эътироф этиши билан ажратиб туради. Ушбу ҳуқуқ кўплаб халқаро деларациялар ва шартномаларда мустаҳкамлаб қўйилган. Масалан, инсон ҳуқуқлари бўйича умумжаҳон Декларацияси (1948), фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт (1996) ва ҳоказолар;

Тўртинчидан, ҳозирда Германияда оқилона секуляр сиёсат олиб борилмоқда. Давлат ва черков ўртасидаги ўзаро муносабатлар асосида Асосий Қонун билан кафолатланган дин эркинлиги, давлатнинг черковдан ажратилганлиги ва диний бирлашмаларнинг ўзини ўзи идора қилиш ҳуқуқи ётади. Мамлакатда давлат черковлари мавжуд эмас. Шунингдек, давлат ва черков ўртасида мустаҳкам алоқалар йўлган қўйилган бўлиб, улар турли масалаларда бир бирларига қўмаклашиб келмоқда;

Бешинчидан, Европада асосан бугунги кунда ислом дини бошқаларига қараганда Германияда устун мавқега эга. ҳозирда ГФРда 4 млнга яқин мусулмонлар яшайди. Иккинчи жаҳон урушигача, ўша пайтдаги нацистлар давлатида масжидлар сони ўндан ошмасди, ҳозир эса улар 2 мингдан ортиқ Германиянинг ҳар битта катта шаҳрида ҳеч бўлмаганда кичик мусулмонлар жамоалари мавжуд. Тарихан мусулмонларнинг кўп сонли жамоалари мамлакатнинг ғарбий қисмида кўпроқ шаклланган, бу ерда бутун бир мусулмон туманлари юзага келган. Шунинг учун ҳам Федерал ҳукумат мамлакатдаги ислом динига алоҳида эътибор қаратмоқда. Мисол учун,

охирги йилларда Германия ислом конференцияларининг кўплаб ўтказилиш, ислом дининг махсус курслар сифатида институт, мактабларда ўқитиш тизмининг йўлган қўйилиши бундан ташқари, Федерал ҳукумат вакилларнинг бир қатор нутқларида 2012 йилгача ислом дини асосида имомлар тайёрлашни йўлга қўйиш тўғрисида гапирилиши ва шу кабилари;

Бешинчидан, айниқса, бугунги кунда Германияда оппозицион партия вакиллари ислом дини масалага алоҳида эътибор қаратишмоқда. Мисол учун, ҳукуматга ислом динига расмий мақом бериш талаби билан Германия социал-демократик ва "Яшиллар" партиялар чиқишмоқда. Социал-демократлар партиясининг ички сиёсат бўйича котиби Дитер Вифельпютц (Dieter Wiefelsputz) Германия “мусулмонларга имконият бериш” кераклигини таъкидлаб ўтди. Унинг фикрига кўра, мусулмон уюшмаларини расмий тан олиш “Германияда яшовчи 4 млн мусулмон учун муҳим сигнал” бўлиб хизмат қилади. Ўз навбатида, яна бир оппозицион партия бўлиб “Яшиллар” партияси вакили Мемет Киличнинг (Memet Kilic) фикрича, ислом динига эътиқод қилувчиларни ҳукумат томонидан немислар жамиятининг тўла ҳуқуқли аъзолари сифатида тан олиниши мусулмонларга “Германияда яшаётганликларидан миннатдор” бўлиш ҳиссини юзага келтиради деб таъкидлаб ўтди;

Олтинчидан, ҳозирда Германияда жамоат ташкилотлари мамлакат сиёсий тизимининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Улар энг аввало оддий фуқароларнинг манфаатларини ҳимоя қилиб чиқмода. Германиядаги жамоат ташкилотларининг яна бир муҳим институтларидан бир бу маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари ҳисобланди. ГФРда маҳаллий ўз ўзини бошқаришнинг тўртта асосий модели борлиги ҳам уни ажратиб турадиган асосий фарқлардан ҳисобланди. Яна шуни унутмаслик лозимки, маҳаллий ўз ўзини бошқаришнинг тўртта асосий модели бир-биридан фарқ қилса ҳам аммо, ушбу моделларнинг асосий вазифаси фуқаролар манфаатни ҳимоя қилиш ҳисобланди. Жамоат ташкилотларининг бошқа давлатлардан фарқли томонларидан бири бугунги кунда Германияда коммунал ўзини ўзи

бошқариш азалий анъаналарга эга. У фуқаролар эркинликларини ифода этади ва ўрта асрларнинг эркин шаҳарлари эга бўлган имтиёзларга бориб тақалади.

Еттинчидан, Германиянинг Европа марказидаги геостратегик жойлашуви, унинг сиёсий нуфузи ва иқтисодий куч-қудрати ва Кўпгина Европа давлатларидан фарқли равишда ГФР анча эрта терроризм билан тукнаш келди, терроризмга қарши кураш соҳасида катта йўлни босиб ўтди ҳамда бу борада Германияни халқаро майдондаги унинг нуфузини кўтарадиган жиддий воситаларни йўғишга муваффақ бўлди. Бугунги кунда Германия НАТО, БМТ, ЕИ қабила давлатлар билан терроризмга қарши курашда фаол иштирок этиб келмоқда. Бундесвер кучлари ҳозирда бешта аксилтеррор операцияларда қатнашмоқда.

Саккизинчидан, ГФРга ўхшаб Ўзбекистон ҳам дунёвий давлат ҳисоблани ва дин ва давлат ўртасидаги муносабатларга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Германиядаги қаби мамлакатимизда ҳам дин ва давлат муносабатларини ўзаро тартибга солиб турувчи секуляр сиёсат мустаҳкам қонунчилик базасига эга. Таъкидлаш жоизки, бугунги кундаги секуляр сиёсат мамлакатимиз танлаган тараққиёт йўли дунёвий деморатик давлат ва фуқаролик жамиятини яратиш сиёсатининг ажралмас қисмидир. Шу бирга, дин, виждон эркинликлари Конституция ва қатор бошқа қонунларда ўзининг ҳуқуқий асосини топган.

Ва ниҳоят, бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг асосий йўналишларидан бири бу терроризм, экстремизм ва диний фундаментализмга қарши курашишида билан халқаро ҳамжамият билан мустаҳкам алоқаларни йўлга қўйиш ҳисоблади. Шу маънода, халқаро терроризмга қарши курашишда Ўзбекистон ГФР билан ўрнатилган мустаҳкам ҳамкорликни янада кенгайтиришдан манфаатдор. Шунинг учун ҳам Афғонистондаги немис кучларига гуманитар ёрдам кўрсатиш мақсадида икки томонлама ҳамкорлик асосида Термиз шаҳрида ҳарбий база ташкил этилган. Шу боис ҳам халқаро терроризмга қарши курашиш Ўзбекистон ва Германия ўртасидаги ҳамкорликнинг устивор йўналишларидан бири

айланди. Германиянинг халқаро аксилтеррор фаол саъи-ҳаракатлари ҳам Президентимиз ушбу давлатнинг БМТнинг Хавфсизлик Кенгашига доимий аъзо сифатида кириш лозимлиги тўғрисидаги таклифни илгари суришига асос бўлиб хизмат қилмоқда дейишга етарлича асослаирмиз бор.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ

1. Раҳбарий адабиётлар. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари

- 1.1. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. – Т.1. - Т.: Ўзбекистон, 1996. – 364 б.
- 1.2. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т.2. - Т.: Ўзбекистон, 1996. – 380 б.
- 1.3. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби мақаддасдир. Т.3. - Т.: Ўзбекистон, 1996. – 366 б.
- 1.4. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. Т.4. - Т.: Ўзбекистон, 1996. – 326 б.
- 1.5. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. Т.5. - Т.: Ўзбекистон, 1997. – 384 б.
- 1.6. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. - Т.: Ўзбекистон, 1998. – 429 б.
- 1.7. Каримов И.А. Ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамыз. Т.7. - Т.: Ўзбекистон, 1999. – 376 б.
- 1.8. Каримов И.А. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. – Т.8. – Т.: Ўзбекистон, 2000. – 528 б.
- 1.9. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. – Т.9. - Т.: Ўзбекистон, 2001. – 432 б.
- 1.10. Каримов И.А.. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. – Т 10. – Т.: Ўзбекистон, 2002. – 432 б.
- 1.11. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. – Т.11 – Т.: Ўзбекистон, 2003. – 320 б.
- 1.12. Каримов И.А.. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. – Т.12 – Т.: Ўзбекистон, 2004.- 400 б.
- 1.13. Каримов И.А.. Ўзбек халқи ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди. – Т.13. – Т.: Ўзбекистон, 2005. – 264 б.

- 1.14. Каримов И.А.. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий кадрият. Т.14. - Т.: Ўзбекистон, 2006 йил. 280 б.
- 1.15. Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлиштириш, ислохатларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. – Т.15. – Т.: Ўзбекистон, 2005. – 320 б.
- 1.16. Каримов И.А. Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиз. – Т.17. – Т.: Ўзбекистон, 2005. – 264 б.
- 1.17. Каримов И.А. Ўзбекистон демократик тараққиётнинг янги босқичида. – Т.: Ўзбекистон, 2005. – 144 б.
- 1.18. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1997. - 326 б.
- 1.19. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – 176 б.
- 1.20. Мамлакатимизда демократик ислохатларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Президент Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлиси дағи маъразуси. // Халқ сўзи, 2010 йил 13 ноябрь

2. Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар

- 2.21. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 40 б.
- 2.22. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Низоми. – Т.: БМТнинг Ўзбекистондағи ахборот маркази, 2002. – 84 б.

2.23. Германия Федератив Республикасининг Асосий Қонуни. Grundgesetz für die Bundesrepublik Deutschland. Основная закон Федеративной Республики Германии./ Мас.мух. А.Х.Саидов ва Р. Крумм. – Т.: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази, 2005. – 406 б.

2.24. Германиянинг сиёсий партиялари тўғрисидаги қонун. –Т.: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий Маркази, 2007. – 160б.

2.25. Wahlprüfungsgesetz –WprufG.//

<http://www.bundestag.de/dokumente/rechtsgrundlagen/wpg/wahlpruefungsgesetz.pdf>

2.26. “Тероризмга қарши курашиш тўғрисида”ги ГФРнинг 1986 йилги Федерал қонуни

3. Китоблар, монография ва ўқув қўлланмалари

3.27. Алимов Р.М. Центральная Азия: Общность интересов. – Т.: “Шарқ”, 2005. – 464 с.

3.28. Германия факты. – Франкфурт-на-Майни.: Societaets-Verlag, 2008. – 192. s.

3.29. Германия факты. – Франкфурт-на-Майни.: Societaets-Verlag, 2010. – 192. s.

3.30. Германия и Организация Объединенных Наций./ Pub. by Federal Foreign Office – Berlin, Bonifatius GmbH. – 35 с.

3.31. Gil Anidjar. Secularism. The University of Chicago. 2006. – 127 p.

3.32. Graeme Smith. A Short History of Secularism. - N.Y. I.B.Tauris, 2008. – 219 p,

3.33. Ватлин А.Ю. Германия в XX веке. М., 2002. – 223 с.

3.34. Власов Н.А. Германия в начале XXI века. СПб., 2008. – 248 с.

3.35. Велькер М. Христианство и плюрализм. М., 2001. – 194. с.

3.36. Ёвқочев Ш.А. Ислом ва ҳозирги замон. Ўқув қўлланма. – Т.: Тошкент ислом университети нашриёт-манбаа бирлашмаси. – 207 б.

- 3.37. Elizabeth Shakman Hurd. Secularism and International Relations Theory. – N. Y. 2009. Northwestern University. – P. 14.
- 3.38. 3.18. Жўраев С. Замонавий халқаро муносабатлар. – Т.: Академия, 2007, – 184 б.
- 3.39. Жўраев С. Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсати ва дипломатияси (ўқув қўлланма). – Т.: “Akademiya”, 2007. – 302 б.
- 3.40. Жўраев С.А., Аҳмедов. О., Раҳимова М., Ўзбекистон ва Жаҳон ҳамжамияти: халқаро муносабатлар ва ташқи алоқаларни ташкил қилиш. – Т.: Ғафур Ғулом, 2008, – 704 б.
- 3.41. Жураев С.А., Касимова Н.А. Актуальные вопросы современных международных отношений. – Т.: Akademiya. 2008. – 320 с.
- 3.42. John Esposito. Islam and Secularism: Exploring the place of religion in secular society.// Arches Quarterly. – London. The cordoba foundation. 2008. Volume2. – P 2-50.
- 3.43. José Casanova. Religion, European secular identities, and European integration. - N.Y. Cornell University, 2006. – 132 p.
- 3.44. Kevin M. Schultz. Making Pluralism: Catholics, Jews, and the Decline of the Melting Pot in Postwar America. – N.Y. University of Virginia. – 246 p.
- 3.45. Новиков А.А. Внешняя политика ФРГ от Аденауэра до Шрёдера. - М.: ЗАО «Московские учебники - СиДиПресс», 2005. - 605 с.
- 3.46. Новиков А.А. Германия в современной Европе / Учебное пособие. ДА МИД РФ. – М.: Научная книга, 2005. – 96 с.
- 3.47. Муҳиддинова Ф. Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи: Ўқув қўлланма. –Т.:ТДЮИ, 2006. – 242 б.
- 3.48. Одилқориев Ҳ.Т. Конституция ва фуқаролик жамияти. – Т.: Шарқ, 2002. – 320 б.
- 3.49. Одилқориев Х.Т., Раззокова Д.Х. Сиёсатшунослик: Дарслик. – Т.Ўқитувчи, 2008. – 344 б.
- 3.50. Основы религиоведения: учебник./Под.ред И.Н. Яблокова. – М.: Высшая школа, 1998, - 1998, - 480 с.

- 3.51. Павлов Н.В. История современной Германии 1945-2005. М., 2006, - 510 с.
- 3.52. Религиозные традиции мира. Буддизм, Иудаизм, Христианство, Ислам. – Бишкек, 1997, - 576 с.
- 3.53. Саидов У. Глобаллашув ва маданиятлараро мулоқот. – Т.: Akademiya. – 332 б.
- 3.54. Susanne Kolb, Petra Rosgen. The culture of European History in the 21st century. – Bonn. Haus der Geschichte der Bundesrepublik Deutschland. 1999. – 280 p.
- 3.55. Ўзбекистонда сиёсий ислохотлар жараёни. Муал.гуруҳи. С.А.Жўраев ва бош. – Т.: Akademiya, 2011. – 370 б.
- 3.56. Чедвик Оуэн. секуляризации европейского разума в девятнадцатом веке. Кембридж, Великобритания: University Press, Cambridge, 1976. – 347 с.
- 3.57. Халқаро муносабатлар (геосиёсат, дипломатия, хавфсизлик). – Т.: Академия, 2006. – 240 б.
- 3.58. Хантингтон С., Столкновение Цивилизации. – М. 2003, - 603 с.,
- 3.59. Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: генезиси, шаклланиши ва ривожланиши. – Т.: Ўзбекистон, 2010. – 256 б.
- 3.60. Ғафуров С.М., Хайдаров А.А., Тўлаганова Н.Ў. Сиёсатшунослик асослари: Ўқув қўлланмаси. – Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг наўриёти; Тошкент давлат шарқшунослик институти, 2006. – 240 б.
- 3.61. Fukuyama F. The End of History and the Last Man. – N.Y.1992, - 334 с.,
- 3.62. Zdenek Kriz. German Involvement in the War against International Terrorism. End of Civilian Power?// Central European Political Studies Review. Vol. VIII, Number 2-3, pp. 122-135

4. Журнал ва газеталардаги мақолалар

- 4.63. Абдураззокова М.А. Лаицизм и политика секуляризма в Турции.// Халқаро муносабатлар. Т.: ЖИДУ. №1 2003 . 83-90 с.
- 4.62. Abdurazzakova. M.A. Secularization: issues of mutual relations of politics and religion. //Халқаро муносабатлар, ЖИДУ. 2004, - Р.74-80.
- 4.64. Абдукаримов Ғ. Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларининг роли ва аҳамиятини ошириш.// Фуқаролик жамияти. – Т.: 2006. - №2. – Б. 33-35.
- 4.65. Абрамов Д.Б. Секуляризм, фундаментализм и толерантность в современной индии.// Мировая экономика и международные отношения. 2007. № 5. С. 87–95
- 4.66. Абдуллаев С. Ўзбекистон ижтимоий – маънавий ҳаётида ислом динига мансуб диний ташкилотларнинг ўрни.// Шарқшунослик, ТошДШИ. – 2001. - №1. – Б.97-102.
- 4.67.Бергер П. Секуляризация и проблема убедительности // Неприкосновенный запас. № 32. 2003. – С.17-24.
- 4.68. Ванина Е. Секуляризм и межконфессиональке отношения.//Азия и Африка сегодня. – 2006, №9. – С.70-75.
- 4.69. Дадабаева М. Секуляр сиёсат изчиллигини таъминлаш – диний экстремизмнинг олдини олиш омили.//Шарқшунослик, ТашДШИ. 2007, - №2. – Б.100-103.
- 4.70. John Esposito. Islam and Secularism: Exploring the place of religion in secular society.// Arches Quarterly. – London. The cordoba foundation. 2008. Volume2. – Р 2-50.
- 4.71. Исмоилов У. Жамоатчилик назорати. // Жамият ва бошқарув. – Т.: 2002. - №2. – Б. 74-75.
- 4.72. Обидов Д. Диний бағрикенглик – мустақил Ўзбекистон сиёсатининг муҳим хусусиятлари.// Шарқшунослик, ТошДШИ. – 2002. - №2. – Б.73-81.
- 4.73. Рахимова М. нодавлат ташкилотлар: Ўзбекистонда ва хорижий давлатларда унинг ҳуқуқий жиҳатлари.// Ҳаёт ва қонун. – Т.: 2004. - №5. – Б. 20-23.

- 4.74. Павлова В.Н. ФРГ: опыт и стратегия борьбы с международным терроризмом // Мировая экономика и международные отношения. - 2007. - №9. – С. 30-35.
- 4.75. Погорельская С.В. Мусульмане в Германии: Специфика интеграции // Актуальные проблемы Европы. 2008. №1. – С. 146-160.
- 4.76. S. Amir Mirtaheri. European Muslims, secularism and the legacy of colonialism.// European Journal of Economic and Political Studies. 2010, №3. – P. 73-86.,
- 4.77. Турабеков Т.М. Общественные объединения как субъекты гражданского права. // Хозяйство и право. – Т.: 2004. - №3(3). – С. 87-91.
- 4.78. Қирғизбоев М. Демократик кўппартиявийлик ва парламентаризм тамойилларини ривожлантириш масалалари. – Б. 210./ Узбекистан на пути к гражданскому обществу – Ўзбекистон: фукаролик жамияти сари: конференция материаллари.// Отв.ред.: Р.Алимов. – Т.: Шарқ, 2003. – 304 б.
- 4.79. Қирғизбоев М. Жамоат ташкилотларини молиялаштириш. Хорижий сиёсий партияларнинг манбалари.// Миллий тикланиш. 2002, №7-8. – Б.2-3.

5. Интернет манбалари

- 5.80. Ангела Меркель призвала к борьбе за религиозную свободу по всему миру.// <http://www.argumenti.ru/politics/2011/01/89798/>
- 5.81. Александр Журавский. Религиозная традиция в условиях кризиса секуляризма.//<http://magazines.russ.ru/continent/2004/120/zh17.html>
- 5.82. Act on Political Parties (Political Parties Act) (Parteiengesetz – PartG) [of 24 July 1967].// http://www.bundestag.de/td/docs_edocuments/legalpoliticalparties.pdf
- 5.83. Бундесвер в Афганистане. По продолжительности пребывания силы НАТО превосходят Советскую Армию.// <http://www.rodon.org/polit-110121114227>

- 5.84. Bundeswehr foreign missions: An overview.// [http:// www.bundesregierung.de/nn6516/Content/EN/StatischeSeiten/Schwerpunkte/Au_C3_9Fenpolitik/aussenpolitik-sicherheitspolitik-im-ueberblick-auslandseinsaetze-der-bundeswehr.html](http://www.bundesregierung.de/nn6516/Content/EN/StatischeSeiten/Schwerpunkte/Au_C3_9Fenpolitik/aussenpolitik-sicherheitspolitik-im-ueberblick-auslandseinsaetze-der-bundeswehr.html)
- 5.85. В немецких университетах будут готовить имамов.// <http://infox.ru/authority/foreign/2010/10/14/Vnyemyeckiynivvyer.phtml>
- 5.86. В мечетях Германии организуют День открытых дверей.// <http://www.tatar-inform.ru/news/2010/09/26/238398/>
- 5.87. Carrying on the fight against terrorism.// <http://www.bundesregierung.de/Content/EN/Artikel/2006/10/2006-10-25-kampf-gegen-den-terrorismus-fortsetzen.html>
- 5.88. Dimitrov. G.The Tasks of the Trade Unions.// <http://www.marxists.org/reference/archive/dimitrov/works/1920/tasks.htm>
- 5.89. Германия направит дополнительно 300 солдат в Афганистан для работы на самолетах-разведчиках.// <http://www.rg.ru/2011/03/23/germaniya-anons.html>
- 5.90. German government publishes white paper on security policy.// http://www.bundesregierung.de/nn_6516/Content/EN/Artikel/2006/10/2006-10-25-bundesregierung-legt-sicherheitspolitisches-konzept-vor.html
- 5.91. Гильбертом Seiwert. Свобода и контроль в объединенной Германии: государственные подходы к альтернативных религий с 1989 года.// http://findarticles.com/p/articles/mi_m0SOR/is_3_64/ai_109568884/pg_4/
- 5.92. Giving Secularism its Due, published in Economic and Political Weekly, July 9 1994 [http:// www.fes.org/publication/whatissecularismfor PDF](http://www.fes.org/publication/whatissecularismforPDF)
- 5.93. Francis T. Miko, Christian Froehlich. Germany's Role in Fighting Terrorism: Implications for U.S. Policy.// <http://www.fas.org/irp/crs/RL32710.pdf>
- 5.94. ФРГ: опыт и стратегия борьбы с международным терроризмом.// <http://finanal.ru/009/frg-opyt-i-strategiya-borby-s-mezhdunarodnym-terrorizmom?page=0,4>
- 5.95. Federal Republic of Germany.//<http://www.state.gov/r/pa/ei/bgn/3997.htm>
- 5.97. Иерусалимский В.П. Католическая и лютеранская церкви в Германии на пороге XXI в.//<http://www.rodon.org/relig?st=1540>

- 5.86. Немецкие оппозиционеры потребовали официального статуса для ислама.//<http://lenta.ru/news/2010/10/07/islam/>
- 5.86.
- 5.89. Курбанов Р. Три сценария для мусульманской Европы.//<http://www.islam.ru/pressclub/islamofobia/triscenar>
- 5.90. Кандидов. Б. Религиозная агентура германского фашизма.//<http://vault.exmachina.ru/spy/12/>
- 5.91. Prafull Goradia. Genesis of secularism.// [http://www.indiarightsonline.com/Sabrang/relipolcom3.nsf/5e7647d942529c9e5256c3100376e2e/2a892445fbc8c17ee5256c0900340890/\\$FILE/bac03012.pdf](http://www.indiarightsonline.com/Sabrang/relipolcom3.nsf/5e7647d942529c9e5256c3100376e2e/2a892445fbc8c17ee5256c0900340890/$FILE/bac03012.pdf)
- 5.92. Протестантизм.// <http://religion.babr.ru/chr/prot/index.htm>
- 5.93. Президент Германии считает ислам частью страны, как и другие религии.// <http://www.rian.ru/world/20101003/281836717.html>
- 5.94. Правовое регулирование общественных объединений.//<http://evcppk.ru/konstitucionnoe-pravo-zarubezhnyx-stran/2976-pravovoe-regulirovanie-obshhestvennyx-obedinenij.html>
- 5.95. Правовые системы Германии в Новейшее время.//<http://jur-exam.com/istorija-gosudarstva-i-prava/136-53.-pravovye-sistemy-germanii-v.html>
- 5.96. Политическая система Германии.// <http://mir-prekrasen.net/30/1744-politicheskaya-sistema-germanii.html>
- 5.97. Rajeev B. Political Secularism.// http://www.law.uvic.ca/demcon/victoria_colloquium/documents/Political_Secularism_Preseminar_Reading.pdf
- 5.98. Реформация.// <http://www.ru.wikipedia.org/wiki/Реформация>
- 5.99. Secularism.// <http://www.worldlingo.com/ma/enwiki/ru/Secularism>
- 5.100. Секуляризация в Европе и её влияние на взаимоотношения между религией и государством на мусульманские страны ЦА.//<http://www.easttime.ru/reganalitic/1/134.html>
- 5.101. Современные вызовы глобального мира: секуляризм и религиозное мировоззрение.// <http://www.patriarchia.ru/db/text/1178278.html>

- 5.102. Секуляризации и секуляризма - история и природа секуляризации и секуляризма в 1914 году.//<http://science.jrank.org/pages/11240/Secularization-Secularism-History-Nature-Secularization-Secularism-1914.html>
- 5.103. Секуляризации и секуляризма - секуляризма и его противников С 1914.// <http://science.jrank.org/pages/11241/Secularization-Secularism-Secularism-Its-Opponents-since-1914.html>
- 5.104. Sebastian Bukow. Internal security and the fight against terrorism in Germany.//<http://edoc.hu-berlin.de/oa/conferences/reZgVweZSLueU/PDF/27QE0to3iuZCs.pdf>